O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **31** март, жума № **13** (2140).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **31** марта, **2006** год, № **13** (2140).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ – СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28–30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга тўртинчи сафари бўлди. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Жанубий Корея раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар билан якунлангани икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолат беради. Шу маънода Ислом Каримовнинг Сеулга бу галги сафарини Тошкент музокараларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Президентлар аввал яккама-якка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар. Но Му Хён ўзининг Тошкентга сафарини ёдга олиб, меҳмондўстлик ва самимий муносабат учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат ташриф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март куни Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари – Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ишбилармон доираларнинг йирик вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари томонларнинг диққат-марказида бўлди. Алоқаларнинг янги йўналишларини очиш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида олий Қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш парламент Спикери билан суҳбатнинг бош мавзуи бўлди. Ким Вон Ки билан мулоқотда Ислом Каримов келгусида бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига муносиб бўлишига ишонч билдирди. Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб, Корея парламентарийларини ўзаро тажриба ва ахборот алмашувни кучайтиришга даъват қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилгани муносабати билан бу ўринда мазкур воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларига тўхталиш жоиз. Одатда сиёсий алоқаларга асосан халқаро муаммоларга қарашлар уйғунлиги ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Ўзбекистон билан Жанубий Корея халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр. Бу Сеул музокараларида яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Шу кунларда Сеул сиёсий доираларида мамнуният билан қайта-қайта тилга олинган мавзу – Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Бу хусусда кўп мисол келтириш мумкин: 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмитага ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Тошкент Сеулнинг Корея яриморолида Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган "тинчлик ва фаровонлик" сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сиёсий ҳамкорликни белгиловчи яна бир бўғин – ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан саналади ва бу борада Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида етакчи ўрин тутади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам "ЎзДЭУавто" Қўшма корхонаси маҳсулотларининг бозори чаққон. Россияда "ЎзДЭУавто" автомобиллари энг кўп сотиладиган хориж автомашиналаридан саналади.

Корея Республикаси томонидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 77 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, икки юздан зиёд коллежни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Эксимбанки томонидан берилган имтиёзли кредитлар "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида "Матиз" русумли автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (35,9 миллион доллар) ва ипак йигирувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш (2,5 миллион доллар) лойиҳаларига сарфланган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали техникавий ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Жумладан, шу кунгача КОИКА дастурлари бўйича турли вазирлик ва идораларнинг 630 вакили малака оширди, Миллий жуғрофий ахборот тизими, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида электрон кутубхона барпо этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Майдон узра мағрур юртим алплари

Ярослав КОРУКА олган сурат.

КЕЧА ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ-АМАЛИЙ ВА ОЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ИККИНЧИ УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ОЧИЛДИ

Чирчиқ шаҳридаги «Сплав» стадиони байрамона тус олган. Негаки, бугун навбатдаги спорт байрами тантанали очилади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда асос солинган уч босқичли спорт ўйинлари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» сингари мусобақалар орасида ўзига хос мавқега эга бўлган Умумармия ўйинлари Ватан ҳимоясидаги адпларимизнинг қалбларида жасорат, матонат уйғотди, уларнинг иродасини тоблаб, чиниқтириб, баркамолликка хизмат қилди. Спорт орқали уларни юрт шарафини ҳимоя қилишга руҳлантирди, руҳлантирмоқда. Шунинг учун ҳам Умумармия ўйинларини улкан бир байрамни соғинишгандек кутишади, ҳарбийларимиз. Баралла айта оламизки, мазкур мусобақа том маънода спорт байрамига айланди.

(Давоми 2-бетда).

Муштарийларимизга

ЭЗГУ ИШНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишдек устувор мақсад, ният миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини яхши биламиз. Бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётгани бугун ҳар биримизни қувонтирмоқда, руҳлантирмоқда. Соғлом авлод халқимиз келажаги, соғлом авлод эртамизнинг муносиб давомчиларидир. Шу боис ҳам Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом, баркамол авлод тарбиясига устувор эътибор қаратиб келинмоқда.

Қувонарлиси шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда спорт байрамлари анъана тусини олмоқда. Мактабда фарзандларимиз «Умид ниҳоллари» мусобақаси ёрдамида камолга етяпти, лицей, коллежларимизда «Баркамол авлод» ўйинлари воситасида улғайишмоқда, институт, университетларимиз талабалари эса «Универсиада» номли мусобақа орқали янада камол топишмоқда. Президентимиз ташаббуси билан асос солинган бу уч босқичли тизим бугун ҳар томонлама шаклланган. Мазкур эзгу ишнинг узвий давоми бўлиб, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича икки йилда бир бора ўтказиладиган Умумармия ўйинларига асос солинди. Бу билан посбонларимизнинг жанговар қобилиятлари, жисмоний баркамолликлари янада оширилмоқда, ҳарбий хизматчилар мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилинмоқда, қолаверса, оммавий спорт ва катта спортни боғловчи бўғин ҳосил қилинмоқда.

Мана, иккинчи Умумармия ўйинлари ҳам бошланди. Баркамоллик сари, ўктамлик сари яна бир одим ташланди. Жисмоний қобилиятларини намоён этишга шайланаётган ўғлонларимизга қараб, Президентимизнинг «Бугун яшил майдонларни тўлдириб, ўзининг куч-қуввати, азму шижоати ва иродасини намоён этаётган сиз каби минг-минглаб навқирон ёшларимизни кўрганда барчамизнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилади», деган сўзлари бизнинг спортчиларимизни янги-янги ғалабаларга ундасин, дегимиз келади. Бунга ҳамоҳанг ҳарбий спортчиларимизга – нуфузли мусобақа иштирокчиларига қарата «Орангизда мағлублар бўлмайди. Мусобақа орқали баркамоллик сари, ўктамлик сари ташланаётган дадил одимларингизнинг ўзи энг катта ютуқ, энг катта ғалаба», деймиз.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ЎҒЛОНЛАРИМИЗНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

Истиқлолга эришилгандан сўнг баркамол авлод тарбиясига устувор аҳамият қаратиб келинаётгани борасида кўп бора таъкидлаганмиз. Баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишдек устувор бир мақсад, ният миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини яхши биламиз. Бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётгани бугун ҳар биримизни қувонтирмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилгани, шу номдаги халқаро жамғармага асос солинганининг ўзиёқ соғлом, баркамол авлод тарбияси борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни ифода этади. Бундай номдаги орден, бундай номдаги жамғарма дунёнинг бошқа мамлакатларида мавжудлигини ҳатто эшитмаганман. Дарҳақиқат, миллий ғоямиз, миллий истиқлол ғоямиз ана шундай устувор мақсадлардан озиқланган учун ҳам эзгу ишлар рўёбига йўл очяпти.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ВЕЛИКИЙ САХИБКИРАН – НАША НАЦИОНАЛЬНАЯ ГОРДОСТЬ

Мы идем навстречу 15-й годовщине независимости. И глубоко символично, что именно в этот значимый для всех нас год отмечается 670-летний юбилей Амира Темура – великого Сахибкирана, выдающегося государственного и политического деятеля, умного дипломата и непревзойденного полководца.

Основатель династии Темуридов – Амир Темур – родился 9 апреля 1336 года. Эта дата является исторической. Она связана с огромным политическим, духовным, нравственным достоянием, оставленным нам одним из выдающихся наших великих предков, чья государственная, политическая и военная деятельность оказала огромное влияние не только на судьбы народов Центральной Азии, но и народов Европы, Передней и Южной Азии, России и Китая.

(Продолжение на 7-й стр.).

2 ФОТОРЕПОРТАЖ
ВТОРЫЕ ВСЕАРМЕЙСКИЕ ИГРЫ

4 ЗДОРОВОЕ ПОКОЛЕНИЕ – БУДУЩЕЕ НАЦИИ
ПУТЬ К БОЛЬШИМ НАГРАДАМ

7 К 670-ЛЕТИЮ АМИРА ТЕМУРА
ВЕЛИКИЙ САХИБКИРАН – НАША НАЦИОНАЛЬНАЯ ГОРДОСТЬ

8 ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 138 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. Айни пайтда Жанубий Кореянинг 37 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.

Савдо-иқтисодий алоқаларга доир жорий масалаларни мунтазам муҳокама қилиб бориш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон–Корея ва Корея–Ўзбекистон қўмиталари тузилган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ривожида «Ўзбекистон–Корея Республикаси» дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш учун 1992 йили Тошкентда ташкил этилган Корейс таълим маркази муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида кореяшунослик кафедралари ташкил этилган, 112 мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Корея Республикасини ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга ундайди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу вазиятда тараққиёт қонуниятлари ўртага чиқади.

Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Устюртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар сармоя киритилади. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон – Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Экспортнижбанк ўртасида тузилган кредит битими – 20 миллион доллар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея Эксимбанки ўртасида тузилган умумий таълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги битим – 30 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда айтган сўзларининг ёрқин тасдиғидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, икки томон ҳам бир масалани теран ҳис этади: стратегик ҳамкорлик шунчаки декларация билан қарор топмайди, бунинг учун имконият бўлган тақдирда ҳам, барибир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асос тайёрлаш, икки томон салоҳиятини имкон қадар тўлиқ ишга солиш йўлларини очиш зарур. Шу маънода, Сеул саммитини катта тарихий ташаббуснинг рўёбга чиқиши, деб баҳолаш мумкин.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам самарали учрашувларга бой бўлди. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Мунни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига ва кўпгина халқаро муаммоларга нисбатан қарашлари ўхшаш эканлиги таъкидланди. БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани учун Бан Ки Мун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Хан Док Суни ҳам қабул қилди. Мулоқотда ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримовнинг Сеул мэриясидаги учрашуви яна бир тантанага сабаб бўлди. Корея Республикаси пойтахтининг мэри Ли Мёнг Бэк Ўзбекистон Президентини "Сеулнинг фахрий фуқароси" деб эълон қилди. Ушбу воқеага бағишланган маросимда Ўзбекистон ва Корея халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, Тошкент билан Сеул ўртасида биродарлик ришталарини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ислом Каримов шундай шарафга сазовор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф арафасида Сеулда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби корейс тилида чоп этилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди.

Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорликни янги поғонага кўтариш имкониятларини очгани, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатлари расмийлаштирилгани ва бу муносабатларни мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асос билан таъминлагани билан тарихга кириши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Сеул — Тошкент.

МАЙДОН УЗРА МАҒРУР ЮРТИМ АЛПЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буни қарангки, спорт байрамининг очилишига нафақат ҳарбийлар, улар оила аъзолари, балки кенг жамоатчилик келибди. Ҳатто нуроний онахон, отахонларга кўзимиз тушди. Бу спортга, соғлом турмуш тарзига халқимизда бўлган юксак эътибордан, қолаверса, миллий армиямизга, унда кечаётган ислоҳотларга бўлган улкан қизиқишдан.

Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали кўргазмали оркестри ижросидаги марш мусиқаси садолари остида стадионга байроқдорлар кириб келишди. Шундан сўнг майдонга Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича иккинчи Умумармия ўйинлари иштирокчилари – 14 та жамоа вакилларининг бирин-кетин кириб келганини кўрдик. Улар орасида кўплаб машҳур ҳарбий спортчиларни, биринчи Умумармия ўйинлари чемпионларини кўрамиз. Ўғлонларимиз янада чиниқишган, янада баркамоллашган. Демакки, спортда янги-янги чўққилар забт этилажак. Мана, стадионга Давлатимиз ва Умумармия ўйинларининг байроқлари олиб кирилмоқда. Уларни кўплаб халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилган машҳур ҳарбий спортчиларимиз кўтариб олишган.

Давлатимиз ва Умумармия ўйинлари байроқларини армиямиз спортининг фахри, ғурури бўлган, кўплаб халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон шаънини янада кенг ёйган капитан Камол Муродов, катта лейтенант Фурқат Мусиновлар кўтаришгач, Давлатимиз мадҳияси янгради. Сўнгра Умумармия ўйинлари машъаласини кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Рамзиддин Саидов ва Иван Морозов аланга олдиришди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев тантанани кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни спорт байрами билан муборакбод этар экан, жумладан, шундай деди:

– Сизларни Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича ўтказилаётган иккинчи Умумармия ўйинларининг очилиши билан чин қалбимдан қутлаш ва барчангизни мамлакат Қуролли Кучлари ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа билан табриклаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларимизни маънавий-руҳий соғломлаштиришни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳарбийларимизнинг жисмоний маҳоратини ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари, спорт майдончалари яратилмоқда. Мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва талабалар «Универсиада»ларини ўтказиш анъанага айланган. Спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича ўтказиладиган бизнинг Умумармия ўйинларимиз ҳам улар орасида муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги уларнинг жанговар шайлигидаги муҳим бўғин ҳисобланади. Чунки фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган пособ барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

Бугун биз иккинчи Умумармия ўйинларига старт бераяпмиз. Бу ўйинлар ўзига хос кўрик бўлиб, унда сиз ўз маҳоратингиз ва қобилиятингизни намоён этиш, спорт соҳасида муваффақиятларга эришиш имкониятига эга бўласиз. Ушбу нуфузли мусобақаларда қатнашиш – катта шараф ва шу билан бир вақтда – юксак масъулиятдир. Ишонаманки, улар кўпчилигингиз учун келгусидаги спорт ютуқлари йўлида, спортдаги мавқеингиз ошишида муҳим қадам бўлиб қолади.

Иккинчи Умумармия ўйинлари финалига етиб келишган марду майдон ўғлонларимиз марш садолари остида шахдам қадамлар билан стадионни тарк этишганидан сўнг Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортчиларининг, болалар спорти мактаблари тарбияланувчиларининг шарқ яккакураши ва амалий спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлари, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда мамлакатимиз эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт намойиши бўлиб ўтди.

Пировардида мазкур нуфузли мусобақа иштирокчиларига муваффақиятлар тилар эканмиз, уларга «боболари Алпомишу Ғўрўғли султон алпларим! Кучингизни доимо спорт майдонларида кўрсатиб, жасоратингиз, матонатингизни тобланг. Спортдаги ютуқлар билан Ўзбекистонни – она юртни улуғланг», дегимиз келди.

Ўз мухбиримиз.

ЎҒЛОНЛАРИМИЗНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, кейинги йилларда мамлакатимизда спорт байрамлари анъана тусини олмоқда. Мактабда фарзандларимиз «Умид ниҳоллари» мусобақаси ёрдамида камолга етяпти, лицей, коллежларимизда «Баркамол авлод» ўйинлари воситасида улғайишмоқда, институт, университетларимиз талабалари эса «Универсиада» номли мусобақа орқали янада камол топишмоқда. Бу уч босқичли тизим бугун ҳар томонлама шаклланган. Мазкур мусобақаларда қатнашганман ҳам. Шунда фарзандлар – ўсиб келаётган ёш навниҳоллар кўзларида нурли истиқболга ишончни кўрганман. Комилликка, матонатга, жасоратга, спорт орқали дунёга ўз сўзини айтишга бўлган қатъиятни ҳис этганман. Ҳа, бу келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мевалари.

Демак, фарзандларнинг мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида таҳсил олишаётганда жисмоний имкониятларини намоён этишга майдон — уч босқичли тизим бор. Хўш, армияда-чи? Эзгу саъй-ҳаракатни армияда ҳам қўлласа, спорт мусобақаси орқали посбонларимизнинг жанговар қобилиятларини, жисмоний баркамолликларини оширса бўлади-ку. Шундай бўлди ҳам. Икки йил муқаддам анъанавий мусобақага – спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиа турлари бўйича Умумармия ўйинларига асос солинди. Тўғри, бунгача ҳам Қуролли Кучларимизда турлича чемпионатлар, мусобақалар ўтказиб келинган. Аммо бундайин тайёргарликларни яхлит бир тизимга солиш зарурати туғилганди. Таъкидлаш жоизки, Умумармия ўйинларидан кўзланган асосий мақсад Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги, оммавий спортни тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш борасидаги қарорларини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, бу билан уларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини оширишдан иборат. Қолаверса, Умумармия ўйинлари орқали оммавий спорт ва катта спортни боғловчи бўғин ҳосил қилишдек мақсад жам. Мазкур ўйинларни ҳар томонлама мусобақабоп, томошабоп, нуфузли қилиш ва унинг ҳарбий хизматчилар ўртасида тарбиявий, ватанпарварлик аҳамиятини оширишдек устувор вазифалар унинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ акс эттиради.

Маълумки, 2004 йилнинг июлида Марказий ҳарбий спорт клубида биринчи Умумармия ўйинлари тантанали очилганди. Мана, ниҳоят кеча 30 март куни ҳарбийларимиз орзиқиб кутишган спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиа турлари бўйича иккинчи Умумармия ўйинларига ҳам старт берилди. Тантанани Мудофаа вазири Р.Мирзаев кириш сўзи билан очди. Спорт байрамининг очилиш тантанасига давлат, жамоат ташкилотлари вакилларининг, санъаткорларнинг иштироки янада файз, янада тароват бахш этди. Эслатиб ўтамиз, ўйинлар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти базасида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Мусобақаларнинг қай тарзда давом этаётгани борасида, қизғин, муросасиз беллашувлар ҳақида газетамизнинг янаги сонларида туркум маълумотлар берамиз. Ҳозир эса ўйинлар дастурига бироз эътибор қаратсак. Ундан ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, ҳарбий-спорт мажмуига кирувчи кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол ўрин эгаллаганини кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳарбий учкураш автоматдан нишонга отиш, граната улоқтириш ва масофага югуриш каби кўникмаларни янада шакллантиради. Ортда қолган йилда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда ҳарбий учкураш бўйича ўтказилган очиқ чемпионат айни мусобақага ўзига хос тайёргарлик бўлди. Пистолетдан нишонга отиш, сузиш, югуриш кабиларни қамраб олган офицерлар учкураши ҳарбийларимизни янада тоблайди. Фахримиз бўлган миллий курашга ҳарбийларимизнинг қизиқиши улкан эканлигига биринчи Умумармия ўйинларидаёқ гувоҳ бўлганмиз. Ишончимиз комилки, кураш ҳарбийларимизнинг қатъиятини, ўз кучига ишончни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тош кўтариш эса ҳарбий хизматчиларимизнинг мушакларини тоблаш ҳисобига уларни чиниқтиради. Дастурдан ўрин олган волейбол, енгил атлетика беллашувлари табиийки, чаққонлик, тезкорликка, жамоа бўлиб ҳаракатланишга ўргатади. Ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш эса посбонларда табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтишида иродани тоблайди. Кўриниб турибдики, Умумармия ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳарбий-амалий ва олимпиа спорти турлари она юрт ҳимоячиларини нафақат жисмонан шакллантиради, балки жанговар тайёргарлик, шайликларини оширишга ҳам хизмат қилади.

Режада волейбол мусобақаси 31 мартдан 8 апрелгача, кураш, енгил атлетика бўйича беллашувлар 1-3 апрель, офицерлар учкураши 1-4 апрель, Ҳарбий-спорт мажмуига кирувчи кўпкураш 4-7 апрель, тош кўтариш ва ҳарбий учкураш бўйича мусобақалар 5-8 апрель кунлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Спорт устаси, биринчи Умумармия ўйинлари чемпиони, ҳозирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жисмоний тарбия ва спорт кафедраси бошлиғи капитан Игорь Бобомуродов шундай деди: «Эсингизда бўлса, мазкур нуфузли мусобақа илк бор ўтказилганда жамоамиз учинчи ўринни қўлга киритганди. Бу сафар шоҳсупанинг янада юқори поғоналарига кўтарилишни мақсад қилганмиз. Ўқув-машқ йиғинида жамоамиз янада сараланди. Спортчи сифатида шуни қувонч билан айтишим мумкинки, энг муҳими, Умумармия ўйинлари ҳарбийларимизни янада баркамол бўлишларига хизмат қилмоқда».

Баркамоллик сари, ўктамлик сари яна бир одим ташланди. Жисмоний қобилиятларини намоён этишга шайланаётган ўғлонларимизга «Орангизда мағлублар бўлмайди. Мусобақа орқали баркамоллик сари, ўктамлик сари яна бир дадил одим ташлаётганингизнинг ўзи катта ютуқ, катта ғалаба. Қаддингизни мағрур кўтаринг, нигоҳларингизни буюк келажак сари тикинг. Мустақиллигимиз, истиқлол ғояси, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари сизга куч беражак. Сизлар Президентимиз, халқимиз орзу қилган ўғлонлар — ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган авлодларсиз. Спортдаги, демакки баркамоллик йўлидаги ютуқларингиз билан юрт шонини янада кенг ёйинг», дейман хаёлан.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.



Комолиддин ТЎРАЕВ фотолавҳаси.

БАРКАМОЛ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Биринчи Умумармия ўйинлари тарихидан

ЎН СЕКУНДДА ҒАЛАБА

Шундайин «жанг» майдонлари бор. Улар тинчликка, дўстликка, ўзаро ҳамжиҳатликка хизмат қилади. Халқни, миллатни, унинг қаҳрамонларини дунёга танитади. Бу спорт майдонидир. 2004 йилнинг ёзида бўлиб ўтган Мудофаа вазирлиги қўшинларининг спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича биринчи Умумармия ўйинларини кузатиб туриб, бунга яна бир бор амин бўлганмиз. Қувонарлиси шундаки, спорт бугунги кунда Қуролли Кучларимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ажралмас бир қисмига айланган. Бугун ҳарбий хизматчиларимиз замонавий спорт тренажёрларида машғулотлар ўтишади, замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт мажмуаларида шуғулланишиб, чиниқишади. Қисм ва бўлинмаларимизда, ҳарбий муассасаларимизда жисмоний тарбия ва спорт бўйича масъул хизматларнинг борлиги эса бу борадаги ишларнинг доимо мувофиқлаштириб борилишини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбийларимизнинг ўзбек спортининг ривожида ўзига хос ўрни бор. Дейлик, буни Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клубининг спортнинг 17 тури бўйича 500 дан зиёд хизмат кўрсатган спортчилари, халқаро тоифадаги спортчилари, спорт усталари ва спорт усталигига номзодлари, қолаверса, Афинада бўлиб ўтган Олимпиадада иштирок этган ҳарбий спортчиларимиз мисолида кўриб ўтишимиз мумкин. Эсингизда бўлса, Афинага борган терма жамоамизнинг 35 фоизга яқинини армиячи спортчилар ташкил этганди. Бу фахримиз, ғуруримиз эмасми?!

Спортнинг жисмонан баркамол қилишига, кишини чиниқтиришига, соғлом турмуш тарзини шакллантиришига шубҳа йўқ. Шу билан бирга спорт мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга, жанговар шайлигимизни оширишимизга хизмат қилиб, кундалик эҳтиёжимизга айланаётганини ана шундайин нуфузли мусобақалар орқали ҳис қилишимиз мумкин. Келинг, шу ўринда биринчи Умумармия ўйинлари тарихидан қисқача сўз очсак.

Умумармия ўйинлари байроғини бокс бўйича хизмат кўрсатган спорт устаси, Олимпиада ўйинларининг бронза медали, ҳарбийлар ўртасида ўтказилган Европа биринчилигининг олтин медали соҳиби офицер Карим Тўлаганов кўтарганди, ўшанда. Мусобақада кўпчиликнинг ҳавасини келтириб, рекорд натижаларни қўлга киритган чемпион ҳарбийларимиз бўлишди. Хўш, биринчи Умумармия ўйинларининг илк чемпиони ким эканлигини биласизми? Бундайин шарафли номга Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Азиз Абдукаримов енгил атлетика кросси беллашувларидаги ғолиблиги билан эришди. Энди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси вакили катта лейтенант Туйғун Тожиевни олайлик. Бу ёш офицер кўпкураш бўйича спорт устаси нормативини бажарди. Турникда 52 бора тортилиб, ўйинлар рекордини ўрнатди. 2005 йилда кўпкураш бўйича бўлиб ўтган чемпионатда эса рекордини янгилаб, 60 марта турникда тортилганини таъкидлаш жоиз. Ишонамизки, биринчи Умумармия ўйинлари кашфиёти бўлган бу спортчи бу сафар ҳам барчани ҳайратда қолдиради. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Михаил Соколовнинг миллий курашимизга бўлган қизиқиши ҳавасимизни келтирганди. Ҳарбий спортчи биринчи Умумармия ўйинларининг кураш мусобақаларида қатнашар экан, вазни 90 килограммга етмаса ҳам 100 килограммдан юқори бўлган вазн тоифасидагилар билан беллашиб, чемпион бўлди. Ҳарбий учкураш баҳсида катта лейтенант Геннадий Биденко 14 та ўқни аниқ нишонга теккизиб, мусобақа рекордини ўрнатди. Тош кўтариш баҳсида 70 килограммгача бўлган вазн тоифасида Тошкент ҳарбий округи вакили шартнома бўйича хизмат сержанти В.Коробков ўрнатган рекордни ҳеч ким янгилай олмади. Ҳарбий спортчи бир силтов билан 24 килограммлик тошни ҳар қўлида 71 мартадан кўтарди. Иккита 24 килограммлик тошни иккала қўлда бараварига силтаб кўтаришда 90 тадан натижага эришиб, рекорд қўйгани таҳсинга сазовор бўлди. Миллий кураш бўйича беллашувда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси вакили оддий аскар Ҳусниддин Холиёров финалда ўз рақибини 10 секундда «ҳалол» ғалаба билан ютгани ҳам биринчи Умумармия ўйинларининг рекордлари сирасидан.

Шу ўринда умумжамоа натижаларини ҳам эсга олиб ўтсак. Футбол бўйича мусобақа ғолиби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоаси бўлди. Якуний натижаларга кўра Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти биринчи ўринни қўлга киритиб, Умумармия ўйинларининг кўчма кубогини қўлга киритди.

Подполковниклар – С.Эргашев, Р.Болтаев, майор Ж.Шокиров, капитан У.Тимофеев, капитан И.Бобомуродов, катта лейтенант Т.Тожиев, сержант В.Коробков каби ҳарбийларимизнинг номи илк ўйинларнинг чемпионлари сифатида тарихга битилди. Ишончимиз комилки, иккинчи Умумармия ўйинлари янги-янги рекордлари, янги-янги чемпионлари билан ҳарбийларимизнинг спорт байрамига айланган нуфузли мусобақани бойитиб, унга бўлган қизиқишни янада оширади.

Сафар АЛИЕВ.



ЗАФАР КЎЗЛАГАН ДУГОНАЛАР

Кўпчиликка маълумки, икки йил аввал Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилган Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича I Умумармия ўйинлари юртимиз посбонлари ўртасида спортни оммалаштириш баробарида улар орасидан янги-янги спортчиларни кашф қилди. Бу йил ҳам анча муросасиз беллашувларга бой кечиши кутилаётган II Умумармия ўйинларига ҳарбий спортчиларимиз жиддий тайёргарлик кўришган. Биз бугунги саҳифамизда армия спортидан етишиб чиққан ва Ўзбекистон спортига муносиб ҳисса қўшаётган айрим ҳарбий спорт юлдузлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Юлия Шаховани бугун нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам кўпчилик яхши билади. Ҳатто хорижлик мутахассислар тошкентлик бу қизнинг маҳоратига бир неча бора тан беришган. Юлия ўқ отиш спорти бўйича дастлабки нуфузли халқаро мусобақадаги ютуғини 1998 йилда қўлга киритган. Ўшанда Осиё ўйинларига йўл олган вакиламизни анча ҳаяжон босганди. «Юртим шаънини муносиб ҳимоя қила оламанми?» деган савол уни мусобақа майдонига тушгунга қадар таъқиб қилди. Биринчи нишонни бехато ургач, ундаги ҳадик ўрнини энди ғалабага бўлган ишонч эгаллади. Шундай қилиб, Юлия Шахова рақибларини биринкетин доғда қолдириб 2-ўринга кўтарилди.

– Кумуш медалга сазовор бўлиб, юртимиз байроғи ҳилпираганда азбаройи хурсандчиликдан кўз ёшларимни тия олмаганман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Ахир мен Ватанимиз ишончини оқлаган эдим-да.

2000 йилда у Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, гарчанд ғолиблик шоҳсупасига кўтарилмаган бўлсада, кучли 20 таликдан жой олиб, Ўзбекистон номини муносиб ҳимоя қилди. Ушбу спортчимиз 2006 йилни ҳам яна ғалаба билан бошлади. У яқинда юртимизда ташкиллаштирилган ўқ отиш бўйича республика турнирида 2-ўринни банд этди. Ҳозир Юлия Қирғизистонда бўлиб ўтадиган халқаро турнирга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Армия спортининг фахри бўлган халқаро тоифадаги спортчимиз мана 15 йилдирки, ўқ отиш спорти билан шуғулланиб келмоқда. Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клубига келгач, унинг имкониятлари янада кенгайди. Юлияни оилавий спортчилар тоифасига киритсак бўлади. Чунки унинг турмуш ўртоғи Иван ҳам ўқ отиш бўйича бир неча карра халқаро турнирлар ғолиби саналади. Оиласининг тўнғич фарзанди Аня эса бадиий гимнастика билан шуғулланади. Ким билади, балким у ҳам бир кун келиб ота-онаси сингари юртимиз спортига ўз улушини қўшар.

Марказий ҳарбий спорт клуби спортчилари сафида шартнома бўйича хизмат оддий аскари Елена Кузнецованинг номи алоҳида тилга олинади. У умидли спортчилардан саналади. Еленанинг ҳарбий хизматга келганига атиги уч йил бўлди. Лекин истеъдодли, тиришқоқ бу қиз анча муваффақиятга эришди.

– Мени бу шарафли соҳага мураббийим Али Сеттаров қизиқтирган, – дейди фахр билан оддий аскар Кузнецова. – Спорт оламида янада юқори чўққиларни забт этишим учун бу ерда бир қанча қулайликлар мавжуд. Тажрибали мураббийлар, маҳоратли спортчилар ҳар қандай вазиятда сенга далда бўлади.

Елена ҳали халқаро мусобақаларда айтарли кўзга кўринадиган ғалабага эришмаган бўлса-да, анчагина тажриба орттирди. У 2002 йилда жаҳон чемпионатида, 2003 йилда жаҳон кубогида спортнинг ўқ отиш тури бўйича иштирок этди. 2005 йилда эса юртимизда уюштирилган ўқ отиш бўйича Республика турнирида биринчи ўринни қўлга киритди. Унинг олий мақсади Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишдир. Ушбу спортчи ҳақида таниқли мураббий Александр Давидов шундай дейди:

– Елена анча матонатли ва тиришқоқ спортчи. У кўзлаган мақсадига эришиш учун тинимсиз машқлар қилмоқда. Ҳозир бу қизимиз халқаро ареналарда бироз тажриба орттирса, келажакда ундан катта натижаларни кутиш мумкин. Яқинда Бишкекда бўлиб ўтадиган турнирга у билан жиддий ҳозирлик кўряпмиз.

Оилада Еленадан ташқари унинг опаси Екатерина ҳамда синглиси Антонина ҳам ўқ отиш спорти билан шуғулланади. Уларнинг маҳоратини кузатиб, гўё довонларни забт этишда бир-бири билан беллашаётган дейсиз.

ПУТЬ К БОЛЬШИМ НАГРАДАМ

Из года в год на мировой спортивной арене среди победителей и призеров различных крупных международных соревнований все чаще слышны имена узбекистанских спортсменов. Это закономерный результат того, что в нашей стране физической культуре и спорту уделяется огромное внимание на правительственном уровне. Пожалуй, закономерен и тот факт, что из 504 спортсменов-армейцев, повышающих свое мастерство в МХСК, 275 включены в национальные сборные команды Узбекистана по 17 видам спорта. То есть, основной «костяк» сборных команд составляют армейцы. Ведь в армии каждый военнослужащий имеет все необходимые условия для занятия тем или иным видом спорта.

Школу высшего спортивного мастерства МХСК Министерства обороны по праву можно считать «ударной силой» национальных сборных команд в различных крупных международных соревнованиях. Ведь в МХСК большую часть атлетов составляют спортсмены высокой квалификации: 6 заслуженных мастеров спорта, 37 мастеров международного класса, 146 мастеров спорта, 180 кандидатов в мастера спорта и 78 перворазрядников. Только за прошедший год было подготовлено 9 мастеров спорта, 23 кандидата в мастера спорта и 38 перворазрядников.

Спортсмены МХСК принимают активное участие в республиканских и международных соревнованиях, а также во всех соревнованиях, проводимых по линии Вооруженных Сил. За прошедший год участниками республиканских соревнований (чемпионатов, Кубков, первенств) были 226 армейцев, международных – 123. Призерами республиканских соревнований стали 153 армейских спортсмена, в том числе 99 – победителями. А на чемпионатах мира, Азии, Кубках, первенствах мира среди военнослужащих в прошлом 2005 году призовые места завоевали 79 наших спортсменов, из них 40 атлетов стали победителями.

Результативно выступили в прошлом году на отборочном турнире чемпионата Азии в Индии наши баскетболисты младший сержант по контракту З.Хабибуллин, рядовые Х.Нуралиев, Е.Переверзев, члены спортактива МХСК Р.Абдурахманов, В.Денисов, В.Источников, И.Сафаров, М.Шафенков, Г.Зиновьев, завоевавшие бронзовые награды.

«Серебро» в двух международных турнирах и чемпионате мира по боксу завоевал лейтенант Д.Махмудов, две серебряные медали на международных турнирах завоевал служащий Вооруженных Сил Ш.Абдурахманов. А член спортактива МХСК Б.Хидиров удостоился на международных турнирах «бронзы», «серебра» и «золота».

Медали различных достоинств завоевали наши борцы на крупных международных турнирах – младший сержант Д.Захартдинов, член спортактива МХСК П.Уразимбетов (оба – вольная борьба), сержант М.Соколов, рядовые У.Салямов, Р.Саидов, К.Ибрагимов, члены спортактива МХСК Х.Набиев, Ш.Саидов и Н.Журкобилов (все – дзюдо), рядовой Р.Саидов, члены спортактива МХСК С.Мадаминова и Ш.Тураев (кураш).

На чемпионатах Азии и международных турнирах завоевали медали тяжелоатлеты – рядовые А.Уринов, И.Маминбеков, сержант И.Халилов, член спортактива МХСК А.Переверзев, стрелки – служащий Вооруженных Сил Д.Мухтаров, младший сержант В.Скоромнов, легкоатлеты – младшие сержанты Л.Перепелова, С.Воинов, служащие Вооруженных Сил О.Кот, А.Журавлева. Значительных успехов добились и рядовые А.Бабаджанов, Г.Кочнев, члены спортактива МХСК О.Головахин и В.Горн (гребля на байдарках и каноэ), завоевавшие серебряные медали на чемпионате Азии. Таких же результатов добилась и команда по водному поло на первенстве Азии среди молодежи. Успех команде принесли В.Горшков, В.Ковалев, П.Бирюков, О.Барамбаев, М.Пашканов, А.Толстых, А.Яшнов, И.Спиридонов и Н.Манаков.

Победителем международного турнира по велоспорту стал служащий Вооруженных Сил В.Тяжелкин.

Все это говорит о том, что у наших армейских атлетов высокий спортивный потенциал. И недалек тот день, когда главные награды высшего спортивного форума – Олимпийских игр – завоюют именно наши армейские спортсмены. А путь к большим наградам начинается уже сейчас – со Всеармейских игр, которые стартовали вчера.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ТЕНГСИЗ МЕРГАН

Капитан Энвер Осмонов 22 йилдан буён Қуролли Кучларимиз спортига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. У ҳозир Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клубида спорт жамоаси бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Ушбу тажрибали спортчимизни бугун нафақат Европа ва Осиё қитъасида, балки бутун дунёда яхши танишади, қолаверса, маҳоратини тан олишади. Капитан Осмонов спортнинг ўқ отиш тури бўйича Марказий Осиё минтақасида тенгсизлардан ҳисобланади. Бундай дейишимизнинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Унинг йирик мусобақалардаги натижаларига тўхталадиган бўлсак, 1994 йил Японияннинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида спортчимизнинг маҳорати кўпчиликни ҳайратлантирди. Спортнинг ўқ отиш тури бўйича уч йўналишда иштирок этган Энвер кетма-кет 1, 2, 3-ўринларни забт этиб, юртимиз байроғининг 3 бора кўтарилишига сабабчи бўлди. Ҳарбийлар ўртасида уюштириладиган турнирларда ҳам Энвернинг иштироки салмоқли. У 1998 йилда Францияда бўлиб ўтган «Умумжаҳон ҳарбийлар спорт уйинларида» иштирок этиб, жамоаси ҳисобига кумуш медални «ёзиб» қўйди. Энг сўнгги ғалабасини 2004 йилда Хитойнинг Шанҳай шаҳрида ўқ отиш бўйича бўлиб ўтган жаҳон кубоги босқичида қўлга киритди. Энди у Доха шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари ҳамда 2008 йил Хитойда бўладиган Олимпиада ўйинларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Капитан Энвер Осмоновнинг галдаги довонлардан муваффақиятли ўтишига устози Александр Давидов шубҳа қилмайди. Чунки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи номини қўлга киритган Энверни у энг маҳоратли шогирди сифатида эътироф этади. Ҳа, айтганча, ушбу спортчимиз II Умумармия ўйинларида ҳакам сифатида иштирок этади.

СПОРТЧИ ПОСБОН

Бухоролик оддий аскар Азиз Шарипов беш йилдан буён қўл жанги бўйича шуғулланиб келмоқда. Бу давр ичида у бир қанча турнирларда иштирок этиб маҳоратини янада оширди. Азиз дастлабки ғалабасини Самарқанд шаҳрида ўтказилган Эрон элчихонасининг кубоги учун турнирида қатнашиб қўлга киритди. Ўшанда у биринчи ўринни эгаллаганди. 2004 йил (Навоий), 2005 йил (Самарқанд) қўл жанги бўйича ўтказилган Республика турнирларида ҳам омад унга кулиб боқди, дейиш мумкин. 2005 йил баҳорги чақирувда муддатли хизматга отланган йигит: «Энди қўл жанги билан шуғулланмасам керак», дея хавотирланганди. Аммо спортчи посбонга ҳарбий хизмат янада кўпроқ имкониятларни яратиб берди.

– Армияда спортга бу қадар катта эътибор берилади, дея сира кутмагандим, – дейди бухоролик посбон. – 2005 йил 14 декабрда қўл жанги бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этдим. Шу йил Россиянинг Майкоп шаҳрида Евроосиё қитъаси бўйича бўлиб ўтган биринчиликда эса II-ўринни (85 кг) қўлга киритдим. Албатта, буларга армия сафида туриб эришдим. Энди эса Умумармия ўйинларига тайёргарлик кўряпман. Ўйлайманки, ушбу турнирда ҳам ғалаба қозониб, жамоамнинг ютуғини таъминлайман.

Биз ҳам ўз ўрнида ушбу шижоатли посбонга омад ёр бўлишини тилаймиз.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Баҳорги чақирув – 2006

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида шундай дейилади: «Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда». Дарҳақиқат, ҳарбий хизмат нуфузи салмоқли даражада ошган айни даврда миллий армия сафларида хизмат қилиш шараф, ғурур ва ифтихорга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар юзасидан Сурхондарё вилояти Мудофаа ишлари бошқармасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ

– Чақирув мавсуми ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ юртдошларимизнинг эътиборида бўлади, – дейди вилоят мудофаа ишлар бошқармаси бошлиғи офицер Дилшод Сагатов. – Миллий армиямизнинг профессионаллашуви, унда олиб борилган оқилона изчил сиёсат ҳарбий хизмат нуфузини оширди. Қуролли Кучлар сафини сифатли бутлаш эса янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ҳарбий хизматга бориш истагида бўлганлар ниҳоятда кўп. Давр талаби эса энг муносиб ёшларни саралашни тақозо этади. Йигит соғлом бўлса бас, уни ҳарбий хизматга олса бўлаверади, деган бир томонлама фикр ҳамон мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб, миллий армияга тегишли ҳар бир янгилик, имтиёзлар, имкониятлар ҳақида маҳаллий матбуот орқали чиқишлар қилинмоқда.

Маҳаллий матбуотни мудофаа ишлар бошқармасининг яқин кўмакчиси дейиш мумкин. «Сурхон тонги» газетасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга берилган имтиёзлар, уларнинг имкониятлари ҳақида офицер Асқад Авизов томонидан туркум мақолалар тайёрланган. Ўз навбатида батафсил ёритилган бугунги ҳарбий хизмат талаблари аҳолининг кенг қатламларига керакли маълумотларни беришга қолмай, баъзи тушунмовчиликларни бартараф қила олади.

Шунингдек, армия ва халқ якдиллигини ифодаловчи турли мавзудаги телекўрсатувлар, «Янги аср», «Сурхон садоси» радиоларида бериб бориладиган мунтазам эшиттиришлар ҳам ҳарбий ислоҳотларнинг туб моҳиятини халқимизга етказиб беришга хизмат қилмоқда.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Янги қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилаётган бинолар ҳақида кейинги вақтларда тез-тез тилга олинмоқда. Булар шунчаки бинолар эмас, балки барча шароитлари бадастир бўлган аҳоли учун катта қулайликдир.

Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган Узун тумани мудофаа ишлар бўлими чақирув пункти биноси ҳам аҳолига яратилган ана шундай қулайликлардан биридир.

Офицер Равил Мингалиев бошчилик қилаётган бўлим вилоят мудофаа ишлари бўлимлари орасида етакчилардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўсмирларни қайд этиш бўйича кўргазмали машғулотлар айнан шу ерда ўтказилди.

Бўлим фуқароларни сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб қилиш ишлари бўйича режаларни ўз вақтида уддаламоқда.

– Чақирувни сифатли ташкил этиш учун барча имкониятларни ишга солдик, – дейди чақирув бўлимаси бошлиғи офицер Хайрулло Турсунов. – Бу ишда туман ҳокимлиги ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

ҒОЛИБ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Вилоят мудофаа ишлар бошқармасида ҳар ойда текширув натижаларига қараб туманлар мудофаа бўлимлари орасида ғолиблар аниқланади. Сўнгги ойлар натижасига кўра подполковник Нормуҳаммад Ражабов етакчилигидаги Денов тумани жамоаси ғолиб деб топилди.

– Ғолиб бўлиш ҳам осон эмас, – дейди майор Мансур Аллаев. – Жамоамизнинг аҳиллиги, керак вақтда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганликлари эвазига бизнинг бўлим ғолиб деб топилди. Бунда Қуролли Кучлар хизматчилари Иброҳим Ражабов, Мавлуда Усмонова каби фидойиларнинг катта хизматлари бор.

АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИДА

Вилоят чақирув комиссиясининг бош шифокори, олий тоифали жарроҳ Қуддус Сулаймонов етти йилдан бери комиссия таркибида фаолият кўрсатади. Кейинги уч йилда эса комиссиянинг бош шифокори сифатида хизмат қилиб келмоқда. Тиббий комиссиялар ишидан қўпчилик норози бўладилар. Бу ҳақда бош шифокорнинг фикрини сўраганимизда, у қуйидагича жавоб қилди:

– Бу табиий, албатта. Ёшлар орасида кўплаб учрайдиган биргина ясситовонлиликни олиб кўрадиган бўлсак, унинг туғма ёки ҳаёт давомида орттирилгани ҳам оддий шароитда одамга сезилмайди ва безовта ҳам қилмайди. Аммо қатъий тартибли ҳарбий хизматда бу ҳолат одамни қийин аҳволга солиб қўяди. Аниқроқ қилиб айтганда, бундай ҳолат ҳақиқий хизмат учун яроқсизлик ҳисобланади. Бизнинг шароитимизда кўп учровчи буқоқ касаллиги ҳам худди шундай. Тиббий комиссия фаолияти адолат устуворлигида йўлга қўйилган. Бу ерда ҳақсизлик бўлиши мумкин эмас. Замонавий тиббиёт ускуна-жиҳозлари кўр-кўрона адолатсизлик юз беришига йўл бермайди. Тиббий комиссияда касбига садоқатли, биринчи тоифали шифокор мутахассислар фаолият юритадилар. Комиссия аъзолари ҳар икки йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилган махсус аттестация текширувидан ўтадилар. Бу ҳам ўз навбатида бундай комиссиялар таркибида тасодифан кириб қолувчи кишиларнинг бўлмаслигига кафолат беради.

АРМИЯ – МЕНИНГ ОРЗУИМ

Чақирилувчи Ойбек ЭГАМОВ, Узун тумани:

– Мен чегарачи бўлишни болаликдан орзу қиламан. Қишлоқда катта бўлганман. Унча-мунча қийинчиликлардан чўчимайман. Ҳаётимни армия билан боғлашга аҳд қилганман.

Чақирилувчи Элдор ЖЎРАЕВ, Денов тумани:

– Ҳарбий хизматга боришимни оила аъзоларим ҳаяжон билан кутишмоқда. Чунки мен оилада тўнғич фарзандман. Уларнинг хавотири ўринсиз. Ҳарбий хизмат энг катта орзуларим томон босилган илк қадамдир.

Чақирилувчи Зоҳид ЙЎЛДОШЕВ, Шеробод тумани:

– Мен ўқитувчилар оиласида катта бўлганман. Бурчга, Ватанга садоқат туйғуларини улар биз фарзандларига жуда эрта сингдиришган. Спортни севаман. Шарафли касбга ҳурматим баланд.

Чақирилувчи Улуғбек ЧОРИЕВ, Жарқўрғон тумани:

– Ҳарбий хизматга лойиқ топилганимдан бутун оиламиз мамнун. Ниҳоят, энг катта орзуим ушаладиган бўлди. Мен офицер бўлмоқчиман. Бу касбнинг машаққатлари ҳам бор. Аммо шарафли эканлиги ҳамма нарсадан устунроқдир.

Қалби ватанпарварликдек эзгу туйғуларга лиммо-лим йигитларимизга омад ҳамиша ёр бўлсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА.

«Йилнинг энг илғор терговчиси»

ЁШ, УМИДЛИ ҲУҚУҚШУНОС

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратураларда хизмат қилаётган терговчиларнинг 2005 йил давомидаги иш фаолиятлари ва шахсий фазилатлари ўрганиб чиқилгач, Республика ҳарбий прокуратураси аттестация комиссияси олиб борилган ишлар юзасидан ўз хулосаларини эълон қилди. Ушбу нуфузли комиссиянинг ғоят синчковлик билан чиқарган хулосаси терговчиларнинг «эгаллаб турган лавозимга лойиқ ёки нолойиқ»лигини кўрсатади. Округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, адлия лейтенанти Нодиржон Ғафуров ана шу комиссия томонидан эгаллаб турган лавозимига лойиқ, деб топилди. Ёш мутахассиснинг фидойиларча фаолиятига юксак баҳо берилиб, «Йилнинг энг илғор терговчиси» деб эътироф этилди.

Жанубий-ғарбий алоҳида ҳарбий прокуратураси ҳам ўз фаолиятини қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Бош прокурори ва Ҳарбий прокурори буйруқлари ҳамда кўрсатмалари талаблари асосида олиб бормоқда. Округ ҳарбий прокуратураси олдида турган муҳим вазифаларни бажариш учун ходимларнинг ўз касбига бўлган муҳаббати, эътиқоди, ватанпарварлиги ҳамда талабчанлиги муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида»ги 2006 йил 21 январь кунидаги 50-сонли буйруғи ҳамда Республика прокуратураси органларида «Йилнинг энг илғор терговчиси» танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом прокуратура органларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касб маҳоратини ошишида, ўз устида ишлашларида ва уларни рағбатлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Мазкур Буйруқ ва Низом талаблари асосида Республика Ҳарбий прокуратураси органларида энг яхши натижаларга эришган ходимлар аниқланиб, рағбатлантирилаётганлиги ёш мутахассисларнинг ўз касбига бўлган қизиқиш ва интилишини янада кучайтиради.

2005 йил давомида тергов ходимларининг амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинганда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, адлия лейтенанти Нодир Ғафуров «Йилнинг энг илғор терговчиси», деб эътироф этилди.

Нодир Китоб туманида туғилган. 2000 йил СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади. Ҳуқуқшунослик фаолиятини Қарши транспорт прокуратурасида бошлаган. 2004 йилдан Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий прокуратурасида катта терговчи лавозимида хизмат қилмоқда.

Нодир Ғафуров ёш бўлишига қарамай, ўз вазифасига ўта масъулият ва синчковлик билан ёндашади. Ўзига юклатилган топшириқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида ижро этишга интилади. Ёш терговчи округ ҳарбий прокуратурасида ҳам ўз ўрнига эга. Хушмуомалалиги, одоб-ахлоқи, кенг дунёқараши, билими, адолатпарварлиги, ҳақгўйлиги туфайли жамоа орасида ҳурматга сазовор.

– Армия – мамлакатимизнинг ишончи, таянчи, – дейди Нодир Ғафуров. – Шу боис, бу соҳада олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг амалга ошишида, қонунларнинг жойларда аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминланишига масъулмиз. «Йилнинг энг илғор терговчиси» танловида ғолиб бўлганлигим менга янада каттароқ масъулият юклади. Бу ютуқ нафақат менинг, балки округ ҳарбий прокуратураси жамоасининг ҳам ютуғидир.

Назокат ЗАКАРИЁЕВА.

БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ОММАВИЙ ТАДБИРНИНГ ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ

Ҳарбий қисм ва муассасаларда буюк саркарда, йирик давлат арбоби бобомиз Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан маданий-маърифий ишларнинг барча усул ва шаклларида, яъни эркин ҳолдаги оммавий тадбирлар (учрашувлар, тематик адабий-мусиқали кечалар), бадиий ҳаваскорлик (саҳна кўринишлари, театр), кутубхона иши усуллари, шунингдек, кино, видеофильм намойишлари ҳамда радиоэшиттиришлар орқали тадбирлар ташкиллаштириш лозим. Ушбу тадбирлар йирик темуршунос олимлар, тарих фанлари докторлари, илмий ходимлар ҳамда ёзувчилар иштирокида ташкил этилади.

Тадбирларни «Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни», «Соҳибқирон Амир Темур», «Маънавиятимиз негизидаги хазина», «Етти иқлим султони», «Буюк саркарданинг доно ўгитлари» мавзуларида ўтказиш мумкин.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад шахсий таркибда буюк аждодимиз қолдирган бой маданий ва тарихий мерослардан фахрланиш, юксак маданий ахлоқни ва маънавий сифатларни, профессионализм ва жанговар маҳоратни, миллий тафаккур ва ватанпарварлик туйғуларини ошириш, она Ватан ва Қуролли Кучларга чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этишдан иборат бўлиши лозим.

Ҳарбий қисмнинг тадбир ўтказиш жойлари тантанага мос безатилади, саҳнанинг марказида «Буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги» ёки улуғ аждодимизнинг «Биз ким – мулки Турон, амири Туркистонмиз. Биз ким – миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз», деган сўзлари ва фотопортрети илиниб, ўнг тарафида «Амир Темур – сиймоси бадиий адабиёт саҳифаларида» номли сарлавҳа билан китоб кўргазмаси ташкил этилади. Тадбирни ташкиллаштиришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин: Ислом Каримовнинг «Амир Темур ҳақида сўз», Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат», Хильда Хукэмнинг «Етти иқлим султони», С. Саидқосимов, А. Аҳмедов, Б. Аҳмедовларнинг «Амир Темур жаҳон тарихида», Б. Аҳмедов, А. Аминовларнинг «Амир Темур ўгитлари», Маҳкам Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш», Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур ҳақида ҳикоялар», Ғ. Каримовнинг «Соҳибқирон ва аллома», «Амир Темур ва Улуғбек замондошлар хотирасида», «Амир Темур сабоқлари», Ҳ. Сатторий «Амир Темур севган юрт» ва бошқалар.

Мавзуга оид кино ва ҳужжатли фильмлардан парчалар танлаб олинади. Тадбирларга ҳужжатли фильмлардан «Темур тузуклари» (2 қ.), «Буюк соҳибқирон» (2 қ.), «Асрлар гувоҳи» ҳамда «Буюк Амир Темур» бадиий фильмидан фойдаланиш мумкин.

Тадбирни ташкиллаштиришда тарихчи олимларнинг, ёзувчиларнинг буюк бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги чиқишлари, кинофильмлардан парчалар, ҳарбий хизматчиларнинг Амир Темур ўгитларидан келтирган мисоллари, шеър ва рубойилар, қисқа саҳна кўринишлари ҳамда концерт дастурлари мавзуни янада бойитиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАДАНИЙ ИШЛАР ХИЗМАТИ.

Таҳририятга мактуб

КЎЗ ТЕГМАСИН – АРМИЯМИЗГА

Кенжа фарзандим Рустамжон ёшлигидан ҳарбий хизматга боришга қизиқиб, «Мен катта бўлсам аскар бўлиб, юртимни ҳимоя қиламан», дерди. Шу туфайли бўлса керак, тенгқурлари билан фақат «аскар-аскар» ўйнарди. У улғайган сайин ҳарбийликка қизиқиши тобора кучаяётган эди. Ўрта мактабни тугаттач, ўтган йил кузги чақирувда ўғлим ҳам она юртини қалбидан севган барча дўстлари сингари Ватан хизматига отланди. Мен дилбандимнинг орзу-истаклари ушала бошлаганидан ниҳоятда мамнун эдим. У пойтахтдаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматини бошлаган эди. Орадан кўп ўтмай ҳарбий қисм командирлари томонидан ўғлимнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида иштирок этишимни сўраб мактуб келди. «Баҳонада Рустамжоннинг яшаш шароитини кўриб қайтаман», – дея йўлга чиқдим.

Тўғрисини айтсам, ҳарбий қисмга келиб, аскарларга яратилган шароитларни кўриб, кўзим қувнади. Кенг, озода ошхона, шинам ётоқхона, аскарлар шуғулланиши учун спорт зали ҳар қандай кишини қувонтиради. Айниқса, бу ерда тарбиявий ишлар аъло даражада йўлга қўйилган экан. Посбонлар ҳамжиҳатликда, ватанпарварлик руҳида сабоқ олишмоқда. Йигитларга ҳарб илми билан бирга, ҳаётий тажрибаларини ўргатишда тажрибали офицерлар – М.Юнусов, И.Мирзаев, Зайниддин Муҳаммадқулов каби ўнлаб ҳарбийлар виждонан хизмат қилишмоқда. Устозларининг сабоқларини ўз вақтида қунт билан ўрганаётган оддий аскарлар – Саъдулло Мавлонов, Рустам Бердиев, Феруз Халабов, Фарҳод Холматов, Козим Мусинов, Шерзод Орзиев, Соат Муқимов сингари шунқорлар бурчларини шараф билан ўташмоқда. Ўқув машғулотлари билан бирга, посбонларнинг дам олиш вақти ҳам белгиланган соатлар асосида ташкил этилган. Қувонарлиси шундаки, қисм қўмондонлиги томонидан йигитлар учун ҳафтада тўрт соат қўшимча дарс ташкил қилинган бўлиб, бу пайтда улар ўзлари истаган олий ўқув юртларига кириши учун машғулот олиб боришар экан.

Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилаётган ишлардир. Фарзандларимиз бир йил мобайнида юртимизни ҳимоя қилиш баробарида ҳаётда олиб улгурмаган билимларини эгаллаб, янада мукаммалаштирмоқда. Илоҳим, кўз тегмасин, миллий армиямизга.

Эшпўлат БЕРДИЕВ,
Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани.

Сборы месяц – боеготовность всегда

МАСТЕРСТВО НЕ УХОДИТ В РЕЗЕРВ

На днях в подразделениях мобилизационного призывного резерва прошли торжества по случаю принятия участниками сборов Военной присяги. Молодые люди, избравшие этот вид военной службы, после месяца освоения азбуки «солдатской грамоты» и данной клятвы на верность Родине отправились домой. Однако боевое мастерство, которое было освоено на занятиях, навсегда останется с ними и может быть востребовано в любую минуту.

Во взводе мобилизационного призывного резерва, где командиром группы лейтенант Азиз Халилов, участники сборов увлеченно изучали материальную часть стрелкового оружия. Во все времена оно привлекало к себе интерес мужчин. Но если секретам овладения приемами меткой стрельбы обучают опытные наставники, то от этого интерес только возрастает.

– Конечно, надо сначала набраться терпения, – рассказывает Руслан Рябикин. – Ведь до выхода на огневой рубеж нас обстоятельно учили порядку неполной разборки и сборки автомата, чистки и смазки его основных механизмов. Зато после полного курса предварительной подготовки чувствуешь свое оружие, его боевые возможности, наполняешься уверенностью в своих силах.

Кстати, при выполнении норматива по разборке и сборке автомата Руслан показал лучшее время в группе. У парня серьезные намерения этим летом поступить на Специальный факультет Министерства обороны при Ташкентском университете информационных технологий. Поэтому, как будущему офицеру, эти сборы были очень важны для него.

А вот у его товарища Дильшода Тайлокова мечта о высшем образовании уже стала реальностью, он закончил Гулистанский университет и преподает в средней школе черчение. При подготовке выпусков взводной стенной газеты его оформительское умение в полной мере было использовано офицерами-воспитателями подразделения.

Недавний всенародный праздник Навруз был широко отмечен в подразделении во многом благодаря тому, что в преддверии этой даты единый день общественно-политических знаний был посвящен теме истории Навруза. Выступавший капитан Зиёдбек Мамажонов сумел собрать немало интересной информации и в течение всего занятия поддерживать внимание участников сборов.

В независимом Узбекистане уделяется самое пристальное внимание построению правового демократического государства. Поэтому и воин просто обязан знать четко свои права и обязанности, предельно ясно расписанные в Общевоинских уставах Вооруженных Сил. Лейтенанту Даврону Холметову работа по разъяснению уставных положений вдвойне интересна, ведь будучи офицером-воспитателем, он в ходе повседневной служебной деятельности подразделения на конкретных примерах проводит в жизнь требования этих документов. На очередном занятии он отметил прочные знания Шерзода Сайдуллаева и Азамата Маматкулова, поставив им отличные оценки. Их товарищи в течение сборов не раз убеждались, что твердое знание уставных требований облегчает прохождение службы.

Новый вид службы с каждым годом все больше набирает популярность в молодежной среде. Фундамент этого признания заложен в созданных оптимальных условиях для учебы и быта, в неповторимой атмосфере состязательности при освоении секретов воинского мастерства. Закалка, полученная молодыми людьми в течение месяца обучения, будет всегда востребована в их дальнейшем созидательном труде во имя процветания нашей Родины.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото
Александра МРУЧАКА.

БАРДАВОМ ТАНТАНАЛАР

ЧЕГАРАЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган режиссёр Лутфия Рўзибоева раҳбарлигидаги республика божхона қўмитаси қошида ташкил этилган «Ўзбегим ёшлари» гуруҳининг Ватан посбонлари ҳузурида ўтказган учрашувлари жойларда нишонланаётган Наврўз тантаналарига янада кўтаринкилик, гўзаллик, шукуҳ бахш этди.

Бири биридан дилбар, хушовоз, товусхиромон гўзал қизлар, умидли ёш истеъдодлардан иборат «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи Жалолиддин Мангуберди орденли чегарачилар ҳарбий қисмида бўлдилар. Гуруҳнинг ранг-баранг чиқишларини посбонлар ва уларнинг оила аъзолари мамнуният билан кутиб олдилар.

Сайёра – катта лейтенант Аҳмаджон Ашурматовнинг рафиқаси. Байрам тадбирига кичкинтой фарзандлари билан келишган:

– Ҳарбий қисмда ҳам байрамлар ўзига хос чиройли тарзда ўтади. Бугун пойтахтлик меҳмонларнинг ташрифи тантананинг янада файзли бўлишига ҳисса қўшди.

Оддий аскар Ҳамид Рўзметов Хоразм вилоятидан ҳарбий хизматга келган:

– Армия ҳаётида унутилмас кунлар ҳам талайгина. Ана шундай кунлардан бирини биз, чегарачиларга тенгдошларимиз «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи ҳадя этди. Биз улардан миннатдормиз.

Тантана сўнгида режиссёр Лутфия Рўзибоева, Шавкат Маҳбубовларни қисм қўмондонлиги «Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда қўшган ҳиссалари учун» Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ

Офицер Дилшод Насриддинов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда учрашув бироз ўзгачароқ тарзда бошланди. Бу ерда ҳозир бўлган давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ота-оналар «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи биргаликда жанговар ҳаракатлар вақтида хизмат бурчларини ўтай туриб ҳалок бўлган посбонларнинг рамзий ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда сенатор, туман ҳокими Парда Мадиев иштирок этиб, ардоқли байрам билан ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини қутлади:

– Ватан ҳимоясидек энг муҳим ва олижаноб вазифага бел боғлаган инсонлар ҳамиша халқимизнинг назарида, давлатимизнинг эътиборидадирлар. Мустақил юртимизнинг мустаҳкам қалқони бўлган миллий армиямиз халқимизнинг ижодкорона тинч меҳнати, осуда ва фаровон кунларининг ишончли ҳимоячисидир. Мураккаб, аммо шарафли вазифангизда ирода ва матонат йўлдошингиз бўлсин!

Байрам тантаналарида ҳалок бўлган посбонларнинг ота-оналари ҳам қадрли меҳмонлар сифатида иштирок этдилар. Уларга ҳокимият томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Марҳум Ғуломжон Ҳусановнинг онаси Рўзиҳол опа шундай дейди:

– Элимиз учун эъзозли кунларда фарзандларимиз руҳини шод этиб, биз, оналар кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганлари учун тадбир ташкилотчиларидан миннатдормиз. Навниҳол-навқирон ўғилларимизни юртимиз аҳли ҳам унутмабди...

Юрт учун азиз жонидан кечган юртпарварларни унутиш мумкинми, ахир.

ЯНА БИР ГЎЗАЛ ТАШРИФ

Офицер Салаймахсум Шарипов хизмат қилаётган ҳарбий қисм Қуролли Кучларимизнинг илғор ҳарбий жамоаларидан бири ҳисобланади. Улар Наврўз тантаналарига ҳам алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Шу куни ҳарбий жамоада ўтган тадбирда Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодирова, вилоят хотин-қизлар кенгаши етакчиси Мавлуда Қобулова, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Аёл ва замон» газетаси бош муҳаррири Жамила Эргашева, туман хотин-қизлар кенгаши раҳбари Дилором Ҳошимовалар иштирок этдилар.

Наврўз шодиёналарига «Ўзбегим ёшлари» алоҳида шукуҳ бағишлади. Гуруҳ иштирокчилари Шуҳрат Йўлдошев, Феруза Ортиқова, Татьяна Зайцева, Мақсуда Усмонова, Дилноза Сафароваларнинг чиқишлари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбегим ёшлари» мафтункор куй-қўшиқлари билан посбонларимиз кўнглидан жой олдилар. Гуруҳ раҳбарининг фидойиларча меҳнати маҳсули Наврўз тантаналарига алоҳида файз бағишлаб, барча-барчани хушнуд этганлигини эътиборга олиб, қисм қўмондонлиги режиссёр Лутфия Рўзибоевага миннатдорчилик билдириб, Ватан ҳимоячиларининг жанговар руҳини янада кўтаришга қўшган улкан ҳиссаси учун уни Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Биз ҳам ушбу гуруҳга ижодий зафарлар тилаб қоламиз.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

«Камолот» стипендиатлари

ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Олий таълим муассасалари талабалари ҳамда олий ҳарбий билим юртлари курсантлари учун Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камолот» стипендиясининг 2005-2006 ўқув йили учун танлови ниҳоясига етди. Танлов якуни бўйича республикамизнинг барча олий таълим муассасалари ва олий ҳарбий билим юртларидан тавсия қилинган 99 номзоддан 20 таси стипендия совриндори деб топилди.

Ана шу йигирма нафар фаол ёшларимизга «Камолот» стипендияси совриндори» гувоҳномаси тантанали тарзда топширилди. Тантана олдидан стипендиатлар «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гуллар қўйдилар.

«Камолот» стипендияси совриндори» гувоҳномаларини «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашининг раиси, сенатор Ботир Убайдуллаев топширди. Совриндорлар орасида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ҳамда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари курсантлари Эркинов Фаррух Эркин ўғли, Шамил Мавлютовларнинг ҳам борлиги қувонарлидир.

Тантанали тадбирда Олий ва ўрта таълим вазири ўринбосари Муҳаммаджон Қуронов, «Туркистон» газетаси бош муҳаррири Салим Ашуров, Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи подполковник Ислом Иноятов, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоевлар иштирок этиб, ҳаракатнинг қисқа, аммо сермазмун фаолиятига баҳо бердилар ҳамда совриндорларни қутладилар.

Тантанали тадбирдан сўнг совриндорлар Республика полиэмилет марказида – ногирон болалар ҳузурида бўлдилар. Бу шунчаки расмий учрашув эмас, балки жонли мулоқот бўлиб, совриндор бўлган мамлакатимизнинг энг етук ёшлари бу ердаги болаларнинг келажакда жамиятимиз учун керакли инсонлар бўлиб етишишлари учун ўз ҳиссаларини қўшишларидаги илк қадамдир.

Инобат ЗИКРИЛЛАЕВА.
Ярослав КОРУКА олган сурат.

Ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечак таъминоти

УЙГА ЯНГИ ҲАРБИЙ ЛИБОСДА

Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни орзу қилувчи ёшларни ушбу янгилик қизиқтирса керак. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Фронторти бош бошқармасидан таҳририятимизга хабар қилишларича, баҳорда муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилувчи ҳарбий хизматчилар уйларига янги кундалик-парад либосини кийган ҳолда қайтадилар.

Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, ҳарбий ишни янада ривожлантириш жараёнида ҳарбий кийимни такомиллаштириш зарурати юзага келди. Ислоҳот вазифаларини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури ва Мудофаа вазирлиги раҳбариятининг муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларини янги ҳарбий кийим-бош билан таъминлаш борасида қўйган вазифаларига мувофиқ ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Унга кийим-кечак таъминоти бошқармаси бошлиғи подполковник Низомитдин Халилов, тажриба-конструкторлик бюроси бошлиғи майор Мирабдулла Мамажонов ва саноат корхоналари вакиллари киритилган. Ушбу гуруҳ олдига резервга бўшатиладиган муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун янги ҳарбий либос ишлаб чиқиш вазифаси қўйилганди.

Ушбу либосни яратишда дизайнерлик безатилишига шундай талаблар қўйилган эдики, уни кўрган ёшларда албатта эгнига кийиш, ота-оналарда эса – ўз фарзандларини шу кийимда кўриш истаги пайдо бўлиши лозим эди. Ишчи гуруҳи Фронторти бош бошқармаси, марказий кийим-кечак базаси тажриба-конструкторлик бюроси, саноат корхоналари вакиллари иштирокида бир қатор йиғилишлар ўтказди ва уларнинг натижасида катта ишлар амалга оширилди ҳамда замонавий талабларга жавоб берувчи янги ҳарбий либос намуналари яратилди.

Янги либос мажмуасига куртка, берет, кўйлак ва шим киради, кузда резервга бўшатиладиган аскарларга эса яна қишки куртка ва бош кийими ҳам берилади. Муддатли ҳарбий хизматга танлаб олинган чақирилувчилар янги спорт кийимлари ва кроссовкалар билан таъминланадилар. Хизмат муддати тугагандан сўнг ушбу кийимлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилганлиги ҳақидаги эсдалик сифатида ёшларнинг ихтиёрида қолади.

Ўз мухбиримиз.
Ярослав КОРУКА суратга олган.

ГЛАВНОЕ – ЭТО УЧАСТИЕ

В дни весенних каникул в спортивном комплексе «Умид» (директор Анварбек Набиев) впервые прошли соревнования под названием «Детские олимпийские игры». В них приняли участие около 200 школьников разных возрастов, составивших 18 команд из всех районов города Ташкента.

– Самой главной задачей организации этих соревнований, – говорит директор спортивного комплекса «Умид» А.Набиев, – стало привлечение подрастающего поколения к занятиям физической культурой и спортом. И мне кажется, эту основную задачу мы выполнили. На этих соревнованиях не было победителей и призеров, ведь олимпийский девиз звучит так: «Главное – участие, а не победа».

Нужно было видеть, как светились глаза детишек, когда с показательной программой выступали молодые, но уже известные спортсмены: ушуисты, каратисты, борцы, гимнасты. Одним из тех, кто оставил у зрителей яркое впечатление, был четырнадцатилетний спортсмен, обладатель черного пояса по таэквондо Джахонгир Акрамов.

С замиранием сердца смотрели ребятишки на его выступление. И, в свою очередь, они не пожалели бурных аплодисментов.

Пусть наше подрастающее поколение растет здоровым, крепким и умным! Ведь главное назначение подобных мероприятий в этом и заключается.

Эналида ТЯН.

Наврўзи олам нимаси билан гўзал? Албатта, яшнаш, яшариш, янгиланиш айёми эканлиги, сумалагу ҳалими, кўксомсасию кўкчучвараси, халқнинг оммавий сайли билан, деган жавобни берасиз. Шунингдек, халқимизнинг хилма-хил ўйинлари, қадриятлари, спорт мусобақалари унда жамики, бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз, ғурурланамиз.



Оммавий спорт тадбирлари

НАВРЎЗГА УЙҒУНЛАШГАН МУСОБАҚАЛАР

Қувонарлиси шундаки, миллий армиямизда Наврўз ҳарбийча анъаналар билан уйғунлашиб бормоқда. Бу ҳарбийларимиз ҳаётига халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, бой маънавияти чуқур сингиб бораётганидан. Маълумки, сўгиниб кутган Наврўзимиз бир ой давомида юртимизнинг турли гўшаларида тантана қилинади. Шу боис у билан боғлиқ тадбирлар ҳақида ҳали кўп-кўп сўзлашимиз мумкин.

Наврўзи олам шодиёналарида ҳарбий қисм ва бўлинмаларимизда оммавий спорт тадбирларига катта эътибор қаратилади. Буни биргина Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида байрам кунларида ўтказилган тадбирлар орқали ҳам яққол ҳис этишимиз мумкин.

Билим юрти бошлиғи шахсий таркибни байрам билан қизғин табриклаб, спорт тадбирларини очиқ, деб эълон қилди. Шу куни курсантларимизнинг, уларга таълим-тарбия бераётган ҳарбий хизматчиларнинг Наврўзни, спортни қанчалар севиши ўзига хос синовдан ўтди, десак-да муболаға бўлмайди.

– Бундайин оммавий спорт тадбирларини ўтказиш бизда анъанага айланган. Ҳар байрамда бу ўзгача тароват касб этади. Айниқса, бўлғуси офицерларимизда жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш юксаклиги мени қувонтиради. Демак, бу баркамоллик сари интилишидан. Демак, бу миллий истиқлол ғояларини англашларидан, – дейди билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник А.Қодиров.

Кураш бўйича беллашувлар кечаётган залга кирамиз. Мусобақа қизғин, муросасиз баҳсларга бой бўлди. Беллашувни томоша қилаётган мухлислар ҳаяжони менга ҳам юқди. Айниқса, «ҳалол», «ёнбош», «чала» каби ўзбекона атамалар янграганда кўнгил ғурурга, фахрга тўлди. 60 кг.гача бўлган вазн тоифасида курсант Жумаев, 80 кг.гача бўлган вазн тоифасида курсант Бекзод Тўлаганов биринчи ўринни олди. Умумжамоа ҳисобида эса катта лейтенант Шокир Хайиров командирлик қилаётган взвод курсантлари билим юрти чемпиони бўлишди. «Беллашув иккинчи Умумармия ўйинларига ўзига хос тайёргарлик бўлди», дейди курсант Тўлаганов. Шунингдек, мазкур взвод курсантлари жамоасининг арқон тортиш беллашувида ҳам ғолиб чиқишганини таъкидлаш жоиз. Ана шунинг ўзиёқ жамоада жисмоний тарбия ва спортга эътибор катта эканлигидан далолат.

Умумжамоа натижалари хусусида гап кетадиган бўлса, капитан Жалол Расулевнинг шунқорларига қойил қолса арзийди. Футбол ва баскетбол бўйича кечган беллашувларда унинг жамоаси ғолиблик шоҳсупасини эгаллади.

Тош кўтариш баҳсида билим юртининг ёш офицерлари курсантларга намуна кўрсатишди. Спорт усталигига номзод лейтенант Ойбек Имомов 90 кг. гача бўлган вазнда барча рақибларини дорда қолдирди. Катта лейтенант Носирбек Назаров эса 80 кг.гача бўлган вазнда ғолиб чиқди.

Турникда куч синаш баҳсида спорт усталигига номзод курсант Аваз Рисбеков машқни 78 марта бажариб, ўзига хос рекорд ўрнатди. Умумий натижаларга кўра мазкур беллашувда капитан Алишержон Худоёров командирлигидаги взвод биринчи, лейтенант Зафар Негматов жамоаси эса иккинчи ўринни эгаллади. Буни қарангки, капитан Худоёровнинг шунқорлари енгил атлетика кроссида ҳам рақибларини ортда қолдиришди.

Хуллас, шу тариқа Наврўзимиз ва спорт байрами уйғунлашиб, ўзгача бир файз бағишлади. Ғолиблар билим юрти томонидан муносиб тақдирланишди. Билим юртининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси бошлиғи капитан Игорь Бобомуродов бўлиб ўтган спорт байрами хусусида шундай деди: «Мусобақа давомида кафедрамиз офицерлари – подполковниклар Ҳусан Аваэматов, Леонид Живетин, майор Жаҳонгир Шокировларнинг моҳирона ҳакамлик қилишганини таъкидлаш жоиз. Подполковник Аъзамжон Калонов командирлигидаги батальон курсантлари кўпчиликка намуна кўрсатишди. Бундайин мусобақалар курсантларимизнинг, умуман, ҳарбий хизматчиларимизнинг спортга, жисмоний тайёргарликка бўлган қизиқишларини рағбатлантиради».

Дарҳақиқат, бу гапда жон бор. Бугунги курсант — эртанги офицер. Қуролли Кучларимизда офицер сифатида фаолият юритганда; хизмат қилганда билим юртида бу борада олган кўникмаларига асосланиб жисмоний тайёргарликларга жиддий эътибор қаратишади. Қўл остидагиларни ҳам жисмоний тайёргарликка, чиниқишга руҳлантиради. Мазкур тайёргарлик жанговар шайликнинг муҳим мезонларидан эканлигини англаб етади. Хуллас, билим юртидаги жисмоний тайёргарликка эътибордан қониқиш ҳосил қилдик. Қолаверса,бу билан Ватаннинг ҳар томонлама баркамол фарзандлари бўлиш, шу орқали Ўзбекистоннинг нурли истиқболига хизмат қилишдек гоянинг ҳарбийларимиз фаолиятида шаклланаётганини яна бир бор ҳис этдик.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

ВЕЛИКИЙ САХИБКИРАН – НАША НАЦИОНАЛЬНАЯ ГОРДОСТЬ



(Продолжение.
Начало на 1-й стр.).

Амир Темур был выдающимся организатором, прозорливым государственным и политическим деятелем, умнейшим дипломатом, выдающимся полководцем, освободителем родной земли от иноземных захватчиков, создателем огромного централизованного государства и самой мощной, самой боеспособной по тому времени армии. Он внес живительную струю в развитие архитектуры и искусства, науки и ремесел, культуры и военного искусства. Он был покровителем торговли и приложил немало сил для оживления Великого шелкового пути, связавшего его державу с Западной Европой. Даже в военных походах его главной заботой были мир, сотрудничество, установление дружественных отношений с другими государствами, ближними и дальними. **«Я.., – говорил он, – не прибегал к оружию в деле, которое требовало только политики».**

Наследие великого Амира Темура огромно и многообразно во многих сферах человеческой деятельности. Чтобы четче представить величие совершенного им и глубже осознать значение его наследия, следует выделить основные его достижения и подчеркнуть значение наследия нашего великого предка для современности.

Первое. Величайшая заслуга Сахибкирана состоит в том, что он в кратчайшие исторические сроки в сложных условиях региональных междоусобиц сумел привести народ к согласию. Впервые на земле Туркестана он поднял знамя свободы и независимости и, объединив народы и государства региона, создал единое, централизованное государство, сила и могущество которого прирастали за счет освобождения и завоевания все новых и новых народов и государств, вплоть до разгрома империи Баязида и освобождения тем самым многих государств Европы от османского владычества. Это ему, Амиру Темуру, в начале XV века во Франции был воздвигнут памятник из золота с надписью «Освободителю Европы».

Смысл жизни Сахибкирана, его неутомимой созидательной деятельности заключался в любви к своей Родине, которую он за короткий исторический срок сумел превратить в цветущий край, в могущественную державу. Он всегда остро переживал боль и страдания народа и сделал все от него зависящее, чтобы этот народ жил в достатке, мире и согласии. **В основе его деятельности были закон и справедливость. «Во всех своих делах, касавшихся народа.., – писал он в своем знаменитом «Уложении», – правителям было приказано держаться в пределах справедливости».** Законность и правопорядок были отличительной чертой государства Амира Темура. **«Я покорил полмира, – писал он, – и в своем султанате установил такой порядок и дисциплину, что если пройдет в этой стране от одного края до другого ребенок с ляганом золота на голове, то не пропадет ни одна крупица».**

Второе. Великий Сахибкиран создал не только великое государство, но и сделал все от него зависящее для налаживания тесных связей со своими соседями, ближними и дальними государствами. Его сотрудничество простиралось на Китай, Индию, Францию, Англию, Османскую империю, Египет, Испанию, Италию и многие другие страны. Он всемерно поощрял торговлю. В послании королю Франции Карлу VI он писал: **«Вы присылайте своих купцов в мое государство, мы встретим их тепло, окажем все почести. Мы также направим в вашу страну своих купцов. И вы также окажете им уважение, не допускайте, чтобы им чинили излишние преграды. У меня нет других требований к вам. Ибо мир будет благоденствовать благодаря торговым людям».**

Сегодня наш Узбекистан, образно говоря, сотрудничает со всем миром. Нашими приоритетными торговыми партнерами являются Россия, Япония, Китай, Индия, многие страны Евросоюза, Корея и Турция, Украина и Казахстан, Израиль и Иран, страны Арабского Востока и Юго-Восточной Азии. Мы всегда готовы сотрудничать на взаимовыгодной основе со всеми заинтересованными странами.

Третье. Неоспоримы заслуги Амира Темура в области строительства и архитектуры. Благодаря его стараниям не счесть всего, что было построено в эпоху Темуридов – медресе, мечети, дворцы, караван-сараи, другие постройки и сооружения. Особенно он уделял внимание своей столице – Самарканду. Под его непосредственным руководством созданы Соборная мечеть Бибиханым, мавзолей Гур-Эмир, мавзолей Ахмада Яссави, архитектурные памятники Аксарай, Шахизинда, десятки прекрасных дворцов и садов, таких, как Боги Чинор, Боги Дилькушо, Боги Бехишт, Боги Баланд и другие. Эти выдающиеся творения зодчества являются замечательным воплощением человеческой мысли, разума и таланта. Его внимание и заботу прочувствовали и другие города страны, в том числе Шахрисабз, Хива, Бухара и Карши.

Стоит сказать и о том, что в то далекое время на земле было немало полководцев. Но многие из них только разрушали. Амир Темур был созидателем. Он говорил: **«Если в каком-либо месте я брал один кирпич, то вместо него закладывал десять кирпичей, если спилил одно дерево, то вместо него сажал десять саженцев».** Как истинный патриот родной земли, он гордился своим созиданием. **«Кто захочет увидеть нашу страну, – говорил он, – пусть посмотрит на построенные нами здания».**

Этот завет великого Сахибкирана звучит современно. Мы, его потомки, также можем сказать: «Кто хочет увидеть современный Узбекистан, пусть посмотрит на наши преобразившиеся в последние годы Ташкент – визитную карточку независимого Узбекистана, областные и районные центры, поселки и кишлаки, которые благодаря неутомимой деятельности Президента Ислама Каримова и его постоянной заботе превращаются в красивейшие и благоустроенные живые оазисы».

Четвертое. Амир Темур внес значительный вклад в развитие науки, культуры, искусства, защиту религии ислама. Вокруг него постоянно группировались ученые различных направлений, которых он всесторонне поддерживал и создавал им условия для плодотворной творческой работы. Его родной **город Шахрисабз был признан на Востоке как «купол наук».** Амир Темур хорошо разбирался в самых сложных политических и философских вопросах, знал наизусть Коран и активно, на равных участвовал в беседах с известными учеными и богословами.

Пятое. Амир Темур постоянно заботился о благе народа, основой процветания и благополучия которого считал мир и согласие. Он писал: **«Я утешен тем, что в эпоху моего правления не допустил того, чтобы сильные обижали слабых. Добившись спокойствия народов, всегда следите за своими подданными, будьте твердыми и смелыми... Если вы будете опираться на мое завещание и будете действовать справедливо и милосердно, на Туранской земле будут сохраняться мир и спокойствие. Если вы будете конфликтовать между собой, враги начнут такие распри и беспорядки, что их нельзя будет обуздать. Если вы будете едины, никто не сможет препятствовать вам в исполнении моего последнего завещания».**

Мы верны заветам великого предка. И не раз убеждались, насколько важны для нас мир и стабильность. И для экономики, и для общественной жизни. Не случайно сохранению мира, стабильности, согласия в нашем доме – Узбекистане – Президент страны Ислам Каримов уделяет огромное внимание с первых дней независимости. А в докладе «Узбекистан, устремленный в XXI век», он делает вывод: **«Самое большое наше достояние последних лет – это мир и стабильность, межнациональное и гражданское согласие в нашем доме. Понимание этой ценности и ее непреходящего значения с каждым днем растет в сознании наших людей».** Именно это единство и согласие помогают нам успешно давать отпор современным вызовам и угрозам нашей безопасности и уверенно идти дорогой обновления и прогресса.

Шестое. Великий Амир Темур внес значительный вклад в развитие военной науки и военного искусства. Он оставил нам богатейшее военное наследие, равного которому не было ни в одной армии мира того времени.

Сказанное о великом предке далеко не исчерпывает всех его заветов и рекомендаций. Он завещал нам веру и милосердие, взаимопонимание и согласие, любовь к наукам и искусству, ремеслам и архитектуре. Он рекомендовал нам ценить жизнь, честь и достоинство человека и другие общечеловеческие ценности. И сегодня, обращаясь к его наследию, мы можем с гордостью сказать, что **Амир Темур – наша национальная гордость.** В то же время он был такой крупной личностью, личностью столь крупного масштаба, что он принадлежит не только нам, узбекистанцам, но и всему миру. Потому что каждый народ находит у него для себя добрые советы, неординарные мысли и даже конкретные предложения.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАЪНАВИЯТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Маънавият таркибидаги муҳим қисмлардан бири ахлоқдир. Аслида ахлоқ фақат хулқни эмас, тафаккурни, ақлни ва фаолиятни тартибга солиб, муайян томонга, мақсадга йўналтириб ҳам туради.

Маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий олами йиғиндиси. У инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонни уйғоқ сақлайдиган қудратли куч. Ёшларга билим берганда, таълим жараёнини тарбия билан боғлаб олиб бориш юксак маънавиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таълимнинг асосий вазифаси ёшларни билим билан қуроллантириш бўлса, тарбия жамиятимизда қабул қилинган ахлоқ-одоб қоидаларига мос келадиган эътиқоднинг ахлоқий малака ва кўникмаларига эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтиришдан иборат. Инсон пайдо бўлганидан бошлаб, одамлар фарзандлар тарбияси билан шуғулланганлар. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол бор. Фарзандлар учун энг биринчи намуна бу – ота она тарбиясидир. Инсон дунёга келгач, оила унинг биринчи тарбия ўчоғи, ота-она эса энг биринчи тарбиячилари ҳисобланади.

Оила болани тарбиялаш, унинг маънавий-ахлоқий йўналишларини шакллантиришнинг муҳим омилидир. У бола тарбия оладиган энг биринчи жамоа бўлиб, бола унда ахлоқий қоидалар, урф-одатлардан билим олади. Ахлоқий ҳаётий тажриба орттиради.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий – тарбиянинг асосий белгиларидан бири болага яхши ном қўйиш, илму адаб ўргатиш, оила, ота-онага, умуман, катталарга ҳурмат-иззат ҳиссини сингдиришдан иборатлигини уқтиради.

Маънавий тарбия учун энг муҳим нарса кечаётган даврнинг ғоят мураккаблигини, ҳал этилиши лозим вазифаларнинг жиддийлигини ҳар бир киши онгига, руҳиятига, тафаккурига чуқур сингдиришдан иборат.

Маънавий тарбия таъсир воситаларидан бири бу – ахлоқий камолот ҳисобланади. Ахлоқий камолот хусусида гапирганда, юксак ватанпарварлик туйғуси ҳар бир маданиятли киши учун зарурий фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ахлоқ – ҳаётнинг барча соҳаларида инсонларнинг хулқ-атворини тартибга солиш вазифасини бажарувчи ижтимоий онг шаклларидан биридир.

Ахлоқ бу – жамоатчилик томонидан қабул қилинган, инсонларнинг жамиятда, оилада, меҳнатда бир-бирларига ва ўз-ўзларига муносабатдаги хулқ-атворига қўйиладиган талаблар, меъёрлар ва қоидаларнинг йиғиндисидир.

Маънавий тарбиянинг таъсирчан воситаларидан бири бу – матбуот бўлиб, у ҳам шахсни сиёсий-ғоявий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Жамиятимизни маънавий жиҳатдан янгилаш, ўсиб келаётган авлодни миллий маданият, миллий мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш масаласи кўтарилганда она Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришга алоҳида урғу берилади. Ватанга муҳаббат ҳисси жамиятдаги маънавий шакланишнинг чуқур илдизини очиб берувчи ўзига хос калитдир.

Айни пайтда Қуролли Кучларимизда изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунда шахсий таркибнинг маънавий-ахлоқий тарбияси масаласи биринчи ўринга қўйилмоқда. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратилаётган айни пайтда янгича дунёқарашни шакллантириш заруриятга айланди.

Тарбия масалаларини ҳал этишда буюк аждодларимизнинг маънавий меросига, халқимизнинг қаҳрамонона анъаналарига, янгича ўқув-тарбия базасига таянишимиз керак. Қуролли Кучларда ҳарбий ва маънавий тарбия йўналишлари бўйича шахсий таркибни тарбиялашнинг мукаммал тизими юзага келди ва ҳозирда у янада такомиллаштирилмоқда. Қуролли Кучларда маънавий-ахлоқий йўналишда: ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, эпчиллик, тежамкорлик, сезгирлик, фаоллик, интизомлилик, жиддийлик, эзгулик ва бошқа фазилатларни тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Тарихни билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади. У инсон иродасини мустаҳкамлайди. Баъзи йўл қўйилган камчиликлардан керакли хулосалар чиқаришни ҳам тарих ўргатади. Биргина Соҳибқирон Амир Темур ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга улкан ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Ахлоқ илми яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги мураккаб муаммолар ҳақида баҳс юритиб, инсоннинг камолотга эришиш йўлини ёритиб беради. Халқимиз ахлоқий тарбия соҳасида бой анъаналарга эга. Ахлоққа оид дастлабки фикрлар «Авесто» китобида, қадимги битикларда ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган пандномалар, ўгитлар ва одобномаларда, халқ педагогикасида, фалсафий рисолаларда, алломалар меросида ахлоқий масалаларга кенг ўрин берилган. Улар бугунги кунда ҳам ҳар бир инсон учун қадр-қимматини йўқотмаган, муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Халқимиз ахлоқ-одобни қадимдан улуғлаб келган. Чунки ахлоқ-одоб инсонга ҳуснн, латофат ва назокат бағишлайди. Таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси жамиятимиз талабларига тўла жавоб бера оладиган юртпарвар, комил инсонни тарбиялашдир. Жамият маънавиятини янада юксалтириш ислоҳотларни амалга оширишда даъват сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади.

Юқорида зикр этилган вазифаларни кундалик ўқув жараёнига тўлиқ татбиқ эта олсак, давлатимиз томонидан белгиланган профессионал ҳарбий хизматчиларни шакллантириш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зуҳра АБДУРАЗЗОҚОВА.
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Гуманитар ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ СМИ В УСЛОВИЯХ ДЕМОКРАТИИ

Зеркалом проводимых во всех сферах жизни нашей страны реформ и, вместе с тем, одним из действенных инструментов их осуществления призваны стать средства массовой информации. Об этом шла речь на республиканской конференции "Либерализация СМИ как важный фактор демократизации общества", состоявшейся в Ташкенте. Она была организована Общественным фондом поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Узбекистана. В конференции участвовали члены Сената и депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса, ведущие журналисты нашей страны, а также представители ряда зарубежных СМИ и международных организаций, аккредитованных в Узбекистане.

В процессе строительства демократического правового государства, открытого гражданского общества значительно возрастает роль печатного слова и информации, отметил председатель попечительского совета Общественного фонда поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Узбекистана, Герой Узбекистана, народный поэт А.Орипов. В нашей стране создана прочная законодательная база, способствующая динамичному, последовательному развитию информационной сферы в условиях построения демократии. Сегодня в стране выходят в свет 683 газеты, 198 журналов, действуют 55 издательств и 4 информационных агентства.

Государственная политика в этой области направлена на обеспечение реализации принципов свободы слова и права граждан на информацию, подчеркивалось на конференции. Законодательно закреплена недопустимость цензуры, упрощены правила регистрации СМИ.

Участники конференции были подробно ознакомлены с целями и задачами Общественного фонда поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Узбекистана. Так, новая общественная структура призвана оказывать содействие формированию в стране независимых, самодостаточных, отвечающих современным демократическим требованиям и стандартам печатных СМИ, укреплению их материально-технической базы и кадрового потенциала. В задачи фонда входит стимулирование деятельности печатных СМИ и информационных агентств, направленной на широкое освещение процессов демократизации и обновления, реформирования и модернизации страны, усиление их собственной роли в построении сильного гражданского общества. Кроме того, в приоритеты фонда входит финансирование проектов и программ, цель которых – повышение профессионального и художественного уровня журналистских материалов, их позитивного воздействия на общественное сознание граждан, особенно молодежи, духовно-нравственное воспитание и просвещение подрастающего поколения на основе национальных и общечеловеческих ценностей.

На конференции выступили председатель Творческого союза журналистов Узбекистана Ш.Гулямов, ректор Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан К.Назаров, главный редактор газеты "Узбекистон овози" С.Остонов, генеральный директор независимого информационного агентства "Туркистон-пресс" С.Хакимов, главный редактор областной газеты "Кашкадарё" Н.Равшанов и другие. Отмечалась роль, которую играют СМИ в обеспечении защиты национальных интересов страны, приобретающая особую значимость в условиях глобализации информационного пространства. Журналисты сегодня во многом ответственны за повышение социальной и политической активности наших граждан, их правовой культуры. Средства массовой информации должны стать не только выразителями общественного мнения, но призваны и сами формировать его на основе открытого освещения хода реформ, достижений и проблем, с которыми сталкивается страна на пути преобразований. Перед отечественными СМИ стоит задача широкого распространения достоверных и многообразных, насыщенных информацией материалов. В связи с этим возникает необходимость усилить профессиональную подготовку журналистских кадров, используя лучший отечественный и зарубежный опыт.

Ряду СМИ республики были вручены гранты Общественного фонда поддержки и развития независимых печатных средств массовой информации и информационных агентств Узбекистана.

А.ИВАНОВА, корр.УзА.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Фусункор табассуми билан саҳифага жило бахш этаётган ушбу гўзал малак – бўлажак психолог Музайяна Камолиддиновадир.

У айни пайтда университетда таҳсил олмоқда. Ижодга, ҳаётга, гўзалликка ва яратувчанликка қизиқишлари улкан бўлган ёш дўстимиз пойтахтда таваллуд топган. Замонавий илмларни ўзлаштириш, санъат ҳамда саёҳат жону дили. Ҳалоллик, вафодорлик, мардлик ва эзгулик каби инсоний хислатларни жуда қадрлайди. Кўпроқ дўстлар орттириш мақсади бўлган Музайянанинг ўзи ҳам ишончли дўст бўлишдек юксак фазилат соҳибаси. Бундан ташқари ҳар бир аёллар учун зарур саналган пазандалик, чеварлик каби ҳунар сирларини ҳам эгаллаш ҳаракатида.

– Истиқлол шарофати билан гўзал диёримиз кундан-кунга кўрк очиб, гуллаб-яшнамоқда. Биз, ёшлар учун ҳам каттадан-катта имкониятлар пайдо бўлмоқда. Менинг ҳам энг юксак орзуим, пухта билим эгаллаб, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссамни қўшишдир, – дейди у биз билан суҳбатда.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

НОШИРЛИК РЕКОРДЛАРИ

ЎЛЧАМЛАР ҲАМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Саҳифаларининг эни 2,1 метр ва бўйи 2,95 метр узунликда бўлган дунёдаги энг катта «Чиллаут» номли газета Крит оролидаги Ханья шаҳрида нашр этилган. Ношир Андреас Гарифалис ўзининг ушбу улкан ижод маҳсулини муниципалитет олдидаги майдонда ўтказилган тантанали маросимда намойиш қилди. Йиғилганлар олдида сўзга чиққан ношир газета таҳририяти бу газетани Гиннесс рекордлар китобига киритиш учун ариза юборганини маълум қилди. Оддий форматда босиладиган «Чиллаут» газетаси эса оролда ҳар ҳафтанинг чоршанба куни нашр этилади ва аҳолига бепул тарқатилади.

Ўлчамлари бўйича аввалги рекорд «Фолк» газетасига тегишли эди. У Бельгияда 1993 йилда босиб чиқарилган ва саҳифалари энига 0,99, бўйига эса 1,42 метр узунликка эга бўлган.

Энг кичик форматдаги газета эса Бразилиянинг Дивинополис шаҳрида босиб чиқарилади. Ушбу газетанинг эни 2,5, бўйи эса 3,5 см. Бу жажжигина газета 16 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар ойда бир марта 5 минг нусхада босиб чиқарилади ва «Жаноби олийлари» деб аталади. Газета ноширн Долорес Швиндтнинг таъкидлашича, обуначиларда шрифт (ҳарфлар ва рақамлар)ни ўқишда ҳеч қандай қийинчиликлар туғилмайди. Кичкинтой-газетанинг аввалги ўлчами 10 см.га 7 см. бўлган, аммо жаҳон рекорди ўрнатиш мақсадида уни янада кичрайтирганлар. «Жаноби олийлари» Бразилиянинг барча ҳудудлари бўйлаб тарқатилади, йиллик обуна нархи эса бор-йўғи 6 доллар атрофида.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд ТОИРОВ қаламига мансуб ушбу шеърни Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова маҳорат билан ижро этмоқда.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Сен йўлимни тўсма, эй ғаним,
Янтоқ бўлиб ўсма, эй ғаним,
Сокин дарё бу кўнглим маним,
Ишқим гулхан ёқаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Мен қоқилсам ер кўтаргайдир,
Эрка бўлсам эл кўтаргайдир,
Ожиз аввал қўл кўтаргайдир,
Чаён зоти чақаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Сен ҳам бир бор юлдуз бўлиб кўр,
Тун бўлмагин, кундуз бўлиб кўр,
Бир майсага илдиз бўлиб кўр,
Кўклам чечак тақаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Ҳақ сўз жоним жаранги мени,
Шеърим дилимнинг ранги мени,
Тўкур ҳасаднинг занги сени,
Ҳавас чақмоқ чақаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Сен кулмасанг кулмайди дунё,
Мен йиғласам йиғлайди дунё,
Бўйин бизга бўйлайди дунё,
Яхши элга ёқаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Бўш вақтингизда

САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ИШТИЁҚИНГИЗ БАЛАНДМИ?

Ҳар бир инсон сингари ҳарбийларимиз учун ҳам соғлиқ биринчи ўринда турмоғи лозим. Чунки бежизга «Саломатлик – туман бойлик», дейилмайди. Ҳозирги пайтда соғлиғим темирдек мустаҳкам, деб ўйлаган айрим кишилар ҳам дардга чалиниб қоляпти. Лекин эртанги кунга ишонган, руҳан бардам инсон ўз вужудини бошқариб, дардни енгишда ҳам собитқадам бўлиши, шубҳасиз. Бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, сиз соғ-саломатмисиз, беҳудага соғлиғингиз ҳақида қайғуравермайсизми, эртанги кундан умидингиз каттами? Қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларингиз соғлиғингиз учун эътиборингизга аниқлик киритишда сизга ёрдам берса, ажаб эмас.

1. СОҒЛИҚ:

а) мунтазам равишда соғлиғингиз ҳақида ўйлаш билан бандсиз (2);

б) вақти-вақти билангина бу ҳақда ўйлайсиз (1);

в) соғлиғим жойида (0).

2. ИШТАҲА:

а) овқатни танлаб ейсиз (1);

б) иштаҳангиз яхши эмаслигидан азиятдасиз (2);

в) овқат танламайсиз, ҳар қандай таомни ёқтириб ейсиз (0).

3. КУЧ-ҚУВВАТ:

а) бир меъёрда ишлашни ёқтирасиз (0);

б) ҳар бир ишни кучингизга қараб бажарасиз, лекин гоҳида ортиқча уриниб қўясиз (2);

в) бирор иш бажаришга иштиёқингиз йўқ, кучингиз ҳам етмайди (1).

4. КАЙФИЯТ:

а) кайфиятингиз осонликча бузилмайди (0);

б) ҳар нарсага жаҳл қиласиз, асабингиз қақшайди (2);

в) баъзида турмуш ташвишлари жонингизга тегиб кетганини сезасиз (1).

5. ТАШҚИ ҚИЁФА:

а) ташқи қиёфангиз ўзингизни умуман қониқтирмайди (2);

б) ташқи кўринишингиздан баъзан хафа бўлиб кетасиз (1);

в) ёшингизга нисбатан ташқи қиёфангиз тетик ва кўркам (0).

6. ҲАЁТГА МУҲАББАТ:

а) одамларга, атрофдагиларнинг елиб-югуришларига, .муҳитга бефарқсиз (2);

б) ҳаётингиз сизни қониқтиради, аммо баъзида нолиб ҳам қўясиз (1);

в) кўп йиллар шундай яшашга тайёрсиз (0).

7. БИРОР ҚАРОРНИ ОСОН ҚАБУЛ ҚИЛАСИЗМИ?

а) ўйламай ҳам қарор қиласиз (0);

б) баъзан қарор қабул қилишда ўзингизга ишонмайсиз (1);

в) ҳамиша мустақил қарорга келишдан қочасиз (2).

Берган жавобларингиз натижасини тўплаган балларингиз кўрсатиб беради:

12 ва ундан юқори балл. Ҳаётга меҳр-муҳаббат билан боқиш сизга анча бегона. Шунинг учун ҳадик сизни тарк этмайди. Ушбу умидсиз кайфият саломатлигингизга, яқинларингиз ва дўстларингиз билан муносабатингизга салбий таъсир этади.

6 – 11 балл. Сиз жуда инжиқ одамлар тоифасига кирасиз. Баъзан эса ўзингизга ҳам ишончсиз бўласиз. Кўпроқ одамлар орасида бўлиб, ўзингиз билан ўралашиб қолмаслик ниҳоятда фойдалидир.

1 – 5 балл. Ҳаётни чинакамига севасиз, шу боис ҳам унча-мунча нарсага кайфиятингизни бузиб юрмайсиз. Ҳар қандай шароитда ўзингизни йўқотмайсиз. Одамлар сизга интилади. Аммо баъзан ўта ўзингизга ишончингиз тўғри қарор топишингизга халал беради. Иштиёқингизни асло сўндирманг.

МИРОВЫЕ СПОРТИВНЫЕ НОВОСТИ

НУЖНЫ ЛИ ВИДЕОПОВТОРЫ

Швейцарец Роджер Федерер и россиянин Марат Сафин выступают против использования видеоповторов на теннисных турнирах. Оба спортсмена считают, что нововведение замедлит игру и убьет зрелищность матча, сообщает «Eurosport». Еще в конце прошлого года международные теннисные ассоциации начали применять в игре видеоповторы. Для этого используется новая технология «Hawk-Eye» («Ястребиный глаз»), которая позволяет создавать компьютерную модель спорного момента, что дает возможность точно установить, попал ли мяч в линию. Смоделированное изображение выводится на экран над кортом, а также в телетрансляцию. Таким образом, повтор видят не только теннисисты, но и зрители. Каждый из игроков может требовать просмотра спорного момента по два раза в каждом сете. В планах организаторов – уже в этом году использовать новшество в турнирах «Большого шлема», и начать в июне с Открытого чемпионата США. Однако прежде чем применять технологию на соревнованиях такого уровня, «Ястребиный глаз» опробовали на одном из ветеранских турниров в Лондоне, а затем на Кубке Хопмана в Перте.

ВОЗВРАЩЕНИЕ РОНАЛДО

Бразильский нападающий Роналдо по окончании текущего сезона может покинуть мадридский «Реал». По данным ведущего итальянского спортивного издания «Gazzeta della Sport», через несколько дней представители Королевского клуба и «Интера» сядут за стол переговоров, чтобы обсудить возможный переезд Роналдо на Апеннины.

С приходом нового президента мадридский клуб «Реал» ожидает большая перестройка, сообщает «Eurosport». Не исключено, что команду покинут несколько ведущих игроков, среди которых, помимо Роналдо, Зинедин Зидан, Иван Эльгера и Роберто Карлос. Также вполне возможно, что в обратном направлении из Милана в Мадрид направится ведущий форвард «Интера» Адриано, у которого в последнее время испортились отношения с главным тренером.

Роналдо перешел в «Реал» из «Интера» за 35 миллионов евро (41,79 миллиона долларов) благодаря блестящему выступлению на чемпионате мира 2002 года. Его контракт с испанским клубом действителен до 2008 года. Несмотря на то, что Роналдо является одним из наиболее результативных игроков команды, болельщики «Реала» периодически не стеснялись освистывать игрока во время его выходов на стадион.

КАБАЕВА СТАЛА СПОРТСМЕНКОЙ №1

Исследовательский холдинг «ROMIR Monitoring» измерил народную любовь к звездам спорта. Такие замеры проводятся ежеквартально и, соответственно, последний из них, который проводился в начале текущего года, отражает зимние вкусы и симпатии. Для определения популярности спортсменок респондентам был задан вопрос: кто из спортсменок вам понравился больше всего за последние три месяца? Как показали результаты исследования, возглавляет зимний рейтинг спортсменок в России гимнастка Алина Кабаева. Исследование свидетельствует, что больше всего поклонников красоты, изящества и грациозности Алины Кабаевой проживает в городах-миллионниках (29%). Как правило, в ранг любимчиков гимнастку возводят молодые люди в возрасте от 18 до 24 лет (30%), обладатели высшего образования (29%) и респонденты с высоким уровнем дохода (26%). Среди руководителей доля поклонников у спортивной звезды выше, чем в других социальных группах, и составляет 37%.

УКРЕПИМ МЫШЦЫ



С возрастом фигура человека меняется: межпозвоночные диски утончаются, становятся плоскими, длина позвоночника уменьшается, начинает елегка выпирать живот. Подтянуть и укрепить мышцы брюшного пресса поможет простая, но эффективная гимнастика. Упражнения выполняйте в свободной одежде, но не ранее чем через 4 часа после еды. Лягте на пол на спину, согните ноги в коленях, ладони подложите под затылок.

Глубокий вдох – на выдохе приподнимите корпус, стараясь приблизить подбородок к коленям, локти разведены в стороны, спина прямая. Задержитесь в такой позе на несколько секунд и с медленным вдохом вернитесь в исходное положение. Упражнение можно выполнять по-другому. Переверните на живот, ладони расположите под грудью, локти неплотно прижмите к туловищу, носки ног уприте в пол.

Сделайте вдох, задержите дыхание и, опираясь только ладонями и носками ног, приподнимите тело над полом. Задержитесь в таком положении на несколько секунд. С медленным выдохом вернитесь в исходное положение. Передохните. Повторите упражнение еще несколько раз.

ФУТБОЛКА РАССКАЖЕТ

Сегодня обычная футболка превратилась в надежный источник информации. По рисунку и надписи на ней можно узнать о человеке все – его социальную принадлежность, музыкальные пристрастия.

Первая футболка-тишотка была создана примерно 100 лет назад. Но в массовое производство ее запустили только в 1942 году.

Однако в культовую деталь туалета и даже символ нового образа жизни тишотка превратилась в 1955 году. Свободолюбивые экранные герои, сбросив с себя неуютные консервативные костюмы и галстуки, оделись в джинсы и светлые футболки.

Модельеры, потакая вкусам молодежи, наводнили рынок разноцветными тишотками с забавными надписями и рисунками. В 1990 году, к примеру, некоторые из них продавались даже в книжных магазинах. Стилисты разукрасили их цитатами из литературных произведений и стихами известных поэтов. А вскоре футболки запестрели и фразами из популярных фильмов.

Сегодняшняя молодежь посредством надписей на футболках выражает свое отношение к внешнему миру, к отдельным персоналиям и к самим себе. Говорят был и такой случай, когда игроки одной футбольной команды по просьбе безутешного отца, 15-летний сын которого сбежал из дома неизвестно куда, во время матча надели майки с надписью «Франческо, вернись». Откликнувшись на призыв, подросток в тот же день вернулся в семью.

(По материалам зарубежной прессы).

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтига 2006-2007 ўқув йили учун божхона иши ва ҳуқуқшунослик таълим йўналишлари бўйича қабул

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олий ҳарбий божхона институти божхона иши соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёргарлигини амалга оширади. ОҲБИга ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Институтга 17 ёшдан 23 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар 17 ва 23 ёшга тўладиганлар) бўлган, бўйи 170 см.дан паст бўлмаган йигитлар ва 165 см.дан паст бўлмаган қизлар қабул қилинадилар.

Институтга тингловчиларни қабул қилиш касбий (ижодий) имтиҳон сифатида 1-босқичда «Жисмоний тайёргарлик»дан синов, 2-босқичда божхона иши йўналиши бўйича «Тарих» фанидан, божхона ҳуқуқи йўналиши бўйича эса «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан (оғзаки) имтиҳон топширилади.

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан 2006 йилнинг 1 май кунига қадар қабул қилинади. (Мурожаат этиш пайтида абитуриентлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини, яъни паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва ҳарбий гувоҳномаси тақдим этилиши лозим).

Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Тошкент вилояти божхона бошқармаси кадрлар бўлими телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Шаҳар телефони: 120-86-14

Ички телефон: 120-86-00 коммутатор орқали 40-41-рақами сўралади

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Темур Малик кўчаси 2-уй.

ҲАР ЖОЙДА ШАЙ ШОВВОЗЛАР

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» ҳамшаҳарларимизнинг мушкулини осон қилаётганлиги барчамизга аён. Инсонлар ҳаётига хавф соладиган ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган чақирувлар, мурожаатларга асосан «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

2006 йил бошидан буён «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари 60 та хонадондаги қариялар ва ногирон инсонларнинг мушкулини осон қилдилар. Жумладан, газ плиталари, электр жиҳозлари ўчирилмай қолиб, ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларда ёрдам кўрсатилиб, жорий йил бошидан буён 72 та фавқулодда ҳодисаларнинг олди олинди.

Шунинг билан бир қаторда барча мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан Фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббиёт, газ, иссиқ сув ва совуқ сув таъминотлари, электр таъминоти, ёруғлик таъминоти, оқава сувлар ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклаш гуруҳлари ишлари ўз вақтида мувофиқлаштирилиб борилди.

Бошқарма «Қутқарув хизмати» ташкил этилгандан шу кунга қадар ва шаҳримизда 13114 маротаба фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олди олинди.

Пировардида фавқулодда вазиятларнинг олди олинганлигини унутмаган ҳолда, нохуш ҳодисалар рўй бермаслиги учун ҳамшаҳарларимизнинг ҳамиша сергак, огоҳ-зийрак бўлишларини яна бир бор таъкидлаймиз.

Хусниҳон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи етакчи мутахассиси.

ЮКСАК БИЛИМЛАР САРИ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетининг очилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, ҳозирги кунда билим юртида учинчи гуруҳ битирувчилари таҳсил олмоқда.

Ушбу факультетга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм ва бўлинмаларидан ўз малакаларини ошириш учун офицерлар жалб қилинган бўлиб, уларга артиллерия-тактик, озиқ-овқат таъминоти, ёқилғи мойлаш хизмати, кийим-кечак хизмати соҳалари бўйича юксак таълим берилмоқда. Тингловчиларга билим юрти бошлиғи полковник Д.Мамажанов ва факультет бошлиғи полковник Т.Тоиров ва малакали педагог-профессорлар подполковниклар – А.Нажимов, А.Нарзуллаев, К.Ҳасанов, С.Панов, майор Ш.Бахроновлар ўзларининг тажрибаларини ўргатишмоқда.

Факультетда аълочи тингловчилар ҳисобланмиш майор К.Юлдашев, капитан Ф.Раҳманқулов, катта лейтенантлар – А.Санақулов, И.Отажанов, У.Тангиров, М.Иминов, лейтенант С.Мирзаевлар ўзларининг тактик ва жанговар тайёргарлиги, саф ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ҳамда ҳарбий интизомлари билан билим юрти курсантларига ҳам ўрнак бўлиб келмоқдалар.

Мазкур факультетнинг асосий мақсади офицерларни етук малака эгаси қилиб тарбиялаш баробарида уларнинг қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни профессионал ва интеллектуал салоҳиятини оширишга кўмаклашишдир.

Капитан Н. ҲАФИЗОВ.

ОПАСНЫЕ ВСТРЕЧИ В НЕОБЖИТЫХ МЕСТАХ

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

В последних публикациях рассматривались вопросы предупреждения детского травматизма в повседневной жизни. Говорилось, в основном, об опасностях, подстерегающих детей и подростков дома, в квартире, на улице, в транспорте, на природе. Между тем в любом населенном месте, особенно в больших городах, есть «необитаемые» места, где человек может встретиться с опасностями особого рода. Речь идет о подвалах, заброшенных (пустых) домах, стройках, тоннелях и колодцах подземных коммуникаций, свалках, куда подростки, народ любознательный, любят заглядывать. А человека с небольшим житейским опытом здесь ждут весьма неприятные сюрпризы.

В «бесхозных» подвалах нередко можно натолкнуться на кабель высокого напряжения, остатки электропроводки, старый распределительный щит. Никто не может поручиться, что эти предметы не под высоким напряжением. Любое прикосновение к ним может оказаться смертельным. Поэтому, оказавшись в подвале, не трогайте ничего, имеющего отношение к электросети.

Подвалы и особенно подземные тоннели, колодцы плохо проветриваются, в них легко скапливаются различные газы. Например, может просочиться бытовой газ из неисправной магистрали. Малейшая искра – и взрыва не избежать.

Реже встречается другой газ – сероводород. Это бесцветный газ с неприятным запахом, тяжелее воздуха. Он не только горючий, но и ядовитый. Если в помещении его много, то обоняние у человека притупляется. Ему кажется, что дышать таким воздухом вполне возможно. Однако с каждым вдохом нарастает отравление организма.

Тяжелые газы, например болотный, а нередко и водяной пар (при аварии теплотрассы), могут очень быстро скапливаться на дне колодцев и в прилегающих тоннелях, вытесняя при этом кислород. Попавшему в такое место станет попросту нечем дышать и может не хватить сил, чтобы выбраться на поверхность.

Не следует забывать и о том, что человеку в «подземелье» надо рассчитывать только на свои силы. Поэтому не поддавайтесь панике. Помните о первом правиле психологической защиты – нет безвыходных ситуаций.

Известно, что дом покидают потому, что он пришел в аварийное состояние. Простояв значительное время без жильцов, он, конечно, прочнее не стал. Гуляя по такому дому, нужно постоянно помнить и быть готовым к тому, что могут обрушиться потолочные перекрытия или провалиться пол.

Строящееся здание в известной мере можно сравнить со зданием, находящимся в аварийном состоянии. В момент вашего обследования отдельные его панели или другие элементы могут быть не закреплены и способны рухнуть от неосторожного движения. Опасна стройка и по другим причинам.

Здесь, например по причине низкой производственной дисциплины, может оказаться не отключенным оборудование, разбросаны какие-то острые предметы, ненадежно убраны ядовитые вещества.

Подобные же опасные встречи вас могут ожидать и на чердаках. Так что подумайте: стоит ли рисковать ради утоления своего любопытства? Ну а если все-таки потянуло, вспомните о наших предостережениях.

Юрий МИХАЙЛОВ,
подполковник в отставке.

Ҳарбий техника шарҳи



ЯНГИЧА ЁНДАШУВ АСОСИДА

Франциянинг «Жиат» компанияси яқинда ўтказилган «Евросатори» кўргазмасида зирҳли жанговар машиналарнинг таг қисмини миналардан ҳимоялаш муаммосига нисбатан ўз ёндашувини намойиш қилди. Бир қатор ғарб мамлакатлари ҳарбий нашрларида чоп этилган ҳимоялаш даражаси борасидаги сўнгги талаблардан бирига мувофиқ, машинанинг таг қисми 6-8 кг. оғирликдаги портловчи моддалар билан тўлдирилган мина портлашига бардош бериши лозим. Мутахассислар таъкидлашича, бу талабни енгил ва ўрта оғирликдаги машиналарга нисбатан қўллашни амалга ошириш айниқса қийин бўлади. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига қарағанда, уларга тавсия қилинган қўшимча зирҳли варақлар комплекти қўйилаётган талабларга жавоб беради ҳамда зирҳли жанговар машина экипажини фугас ёки кумулятив снаряд сингари таъсир кўрсатувчи TMRP-7 типидаги миналардан ҳимоя қилишга қодир.

Суратда КРАМ комплектининг қўшимча зирҳли варақларини мустаҳкамлаш жойлари кўрсатилган.



«УЛАНГАН ҚАНОТ» КОНЦЕПЦИЯСИ

Америка Қўшма Штатларининг «Локхид-Мартин» фирмаси мутахассислари истиқболли транспорт-ёнилғи қуювчи (заправкачи) ва ҳарбий-транспорт самолётларини яратиш борасидаги илмий-текширув ва тажриба-конструкторлик ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Ушбу йўналиш бўйича 40 дан ортиқ самолётлар конструкциялари таҳлил қилиб чиқилган ва натижада тўртта концепция ажратиб олинган бўлиб, улардан бири юқорида жойлашган қанот (учиш пайтида телескопик штангадан фойдаланган ҳолда самолётларга ёқилғи қуйиш учун иккита пости ҳамда «шланг-конус» схемаси бўйича ёқилғи қуйиш учун 2 та мосламаси бўлган «уланган қанот») концепциясидир. Барча ҳолатларда асосий тизимлар ва электрон жиҳозлар яратилишининг модул принципидан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар 2004 йилдан бошлаб янада жадаллаштирилган. Ишлаб чиқаришни эса тахминан 2013 йилда бошлаш режалаштирилмоқда. Суратда конструкциясида «уланган қанот» концепцияси қўлланилган транспорт-ёқилғи қуйиш самолётининг варианти кўрсатилган.

ЖАНГОВАР ТАРКИБГА – 2007 ЙИЛДА

Польшада қирғоқ бўйи зоналарида жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган «Гаврон– II» (621-лойиҳа) русумидаги бош корвет қурилиши ишлари қизғин давом этмоқда. Ушбу лойиҳага Германиянинг MEKO A100 кемаси асос қилиб олинган.

Кеманинг асосий тактик-техник тавсифлари: тўлиқ сув сиғими 2090 тонна, узунлиги 95,2 метр, эни 13,13 метр, сувга ботиб туриш даражаси 3,6 метр. Асосий энергетик қурилма таркибига битта газотурбина ва иккита дизель қурилмалари киради. Энг юқори юриш тезлиги 30 узел. Сузиш узоқлиги 15 узел тезликда 4000 миль.

Қуроллари: RBS-15 Mk3 русумидаги кемаларга қарши саккизта ракета, «Си Спарроу» русумли вертикал ишга тушириш қурилмалари, битта 76 мм. ва иккита 35 мм.ли артиллерия мосламалари, иккита РБУ 610 қурилмаси, вертолёт. Экипаж 74 кишидан иборат бўлади. Ҳаммаси бўлиб ушбу русумли кемалардан олтита қуриш кўзда тутилмоқда. Улардан биринчисини ҳарбий-денгиз кучлари жанговар таркибига 2007 йилда киритиш режалаштирилган.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Надежды на мирное разрешение

Генеральный секретарь ООН Кофи Аннан выразил надежду, что ситуация вокруг Ирана не будет развиваться по иракскому сценарию, который завершился конфликтом. Как сообщила служба новостей Организации Объединенных Наций, Аннан заявил, что Совет Безопасности ООН слишком вовлечен в обсуждение иранской ядерной программы, и призвал не забывать о роли МАГАТЭ. Аннан призвал Тегеран прислушаться к рекомендациям МАГАТЭ.

Кризис может повлиять на выборы

Студенческие протесты во Франции из-за недовольства контрактом первого найма, предложенным правительством, могут ввергнуть страну в серьезный социально-политический кризис. Ситуация грозит выйти из-под контроля властей, а многие уже сравнивают происходящее во Франции с событиями 1968 года и делают прогнозы, каким образом ситуация может повлиять на исход президентских выборов в 2007 году.

Погибли боевики в столкновениях

В Пакистане по меньшей мере 24 человека убиты в ходе столкновений двух противоборствующих религиозных группировок в племенной зоне на границе с Афганистаном. Как сообщили пакистанские телеканалы со ссылкой на местные источники, вооруженная стычка продолжалась в племенной области Хайбер, в 20 километрах к западу от административной столицы Северо-западной пограничной провинции страны (СЗПП) – города Пешавара, передает РИА Новости.

Аббас принял присягу

Руководитель Палестинской национальной администрации (ПНА) Махмуд Аббас принял присягу нового палестинского правительства, сформированного движением «Хамас». Палестинский парламент одобрил состав правительства, все 24 министра которого являются членами или сторонниками «Хамаса». Представители «Хамаса» обладают 74 из 132 депутатских мандатов в Палестинском законодательном совете.

Комиссия ООН распущена

Комиссия ООН по правам человека в Женеве прекратила свою деятельность и была распущена. Верховный комиссар ООН по правам человека Луиз Арбор отдала должное работе Комиссии. Все полномочия будут переданы новому Совету по правам человека. 9 мая будут избраны 47 членов Совета по правам человека, а 19 июня этот орган начнет свою работу в Женеве. Предполагается, что Совет будет эффективнее Комиссии.

Обвинения в убийстве отвергаются

Командование США в Ираке категорически отвергает обвинения в убийстве мирных жителей в одной из мечетей Багдада. Комментируя высказывания некоторых иракских политических деятелей на этот счет, заместитель главы американского командования в Ираке генерал-лейтенант Питер Чиарелли утверждал, что в данном случае приходится иметь дело с «колоссальной дезинформацией». По словам военачальника, бой шел не в мечети, а в офисном здании.

«Airbus A320» сел на военной авиабазе

Пассажирский самолет ирландской авиакомпании «Eirjet» по ошибке приземлился на взлетно-посадочной полосе военной базы. Ошибка обнаружилась уже на земле, причем не менее других был удивлен и сам пилот. На борту «Airbus A320», принадлежащего авиаперевозчику-дискаунтеру «Ryanair», находились 39 пассажиров и 6 членов экипажа. Борт следовал из Ливерпуля и должен был приземлиться в аэропорту города Дерри в Северной Ирландии.

Вводится тотальный запрет на курение

Антитабачный закон будет принят в Турции, где трубка, сигарета и наргиле (курительный прибор, похожий на кальян, но имеющий длинный рукав вместо трубки – **прим. ред.**) являются стилем жизни: в связи с необходимостью соответствовать европейским стандартам турецкий парламент вводит запрет на курение, пишет газета «La Repubblica». В соответствии с законом, одобренным комиссией по юридическим вопросам парламента Турции, вводится запрет на курение в общественных местах по всей стране. Новый закон воспринят как настоящая революция.

(www.NEWSru.com).

Наврўзнома

БАҲОРИЁТ ВА БАДИИЯТ

(Давоми. Боши газетанинг 11-12-сонларида).

Огаҳийнинг Наврўз ҳақидаги асарлари бири-биридан гўзал, юксак бадиий маҳорат маҳсуллари. Аммо уларнинг ҳар бир мисрасидан юқоридагидек нодир бадиий кашфиётларни топиш қийин. Зеро, улар бир мавзуда битилган анъанавий ғазаллардир. Албатта, адабий анъана тақозоси билан бир мавзуга ранг-баранг бадиий талқинлар билан ёндашиш мушкул. Шундай бўлса-да, Огаҳий буни маҳорат билан уддалаган. Бу ғазалларда мавзу, мазмун бир хил бўлсада, тасвир, ифода ўзгача. Ғазалларнинг яратилиш саналари сақланмаган. Лекин бизнинг тахминимизча, улар турли йилларда Наврўз байрами муносабати билан яратилган. Бундай тахминимизга асос шуки, биринчидан, бир Наврўз мавсумида бир шоирнинг ўзи бир неча ранг-баранг наврўзнома ғазал яратиши эҳтимолдан узоқ. Чунки ўз-ўзини беихтиёр такрорлаб қўйиши табиий. Иккинчидан, ҳар йилги баҳор шоирнинг туйғу-кечинмаларини янгилайди. Бу янгиланиш янгича ғазаллар яратишга илҳом бағишлайди. Мана шундай ижодий жараёнлар маҳсули бўлмиш бир неча ғазални таққослаб кўришимиз мумкин.

Тараб бирла келиб ҳангоми наврўз,
Улусни сархуш этти жоми наврўз.
Бари ер юзи бўлди сабзу хуррам,
Етушгач Хизрдек иқдоми наврўз.
Гулистонларға берди дилкушолиғ,
Келиб юз файз ила айёми наврўз.
Туну кун бодайи ишрат ичинг деб,
Етар ҳар дам салойи оми наврўз.
Ҳама масти тараб бўлди халойиқ,
Бўлуб ҳар дам қадаҳошоми наврўз.
Қилурға ишқ элин девона хўблар,
Паридек жилва айлаб шоми наврўз.
Юзини гул-гул айлаб гулжабинлар,
Ичиб ҳар тун майи гулфоми наврўз.
Сиҳиқадлар яноғию қапоғи
Очиб ҳарён гули бодоми наврўз.
Олорнинг ҳуснини айлаб тамошо,
Бори ушшоқ топти коми наврўз.
Бериб ул ҳусн шоҳи бўса нақдин,
Ҳазинларға дебон: «Инъоми наврўз».
Умид улким, насибин Огаҳий ҳам
Олиб бўлғай фараҳфаржоми наврўз. (228)

Ғазалда Наврўз бошдан-оёқ анъанавий услубда мадҳ этилади. Лекин унда ўзига хос тасвир ва мазмунга эга бўлган байтлар ҳам бор. Айниқса, тугалланма байтдан олдинги байт қизиқарли ёзилган. Унда Огаҳий ҳузурбахш мутойиба билан шундай тасвирлайдики, гўё Наврўз айёмида «ҳусн шоҳи», яъни маъшуқа ҳижрондаги ошиқларга наврўз ҳадяси сифатида бўса инъом этган.

Қуйидаги ғазалда ҳам бошдан-оёқ Наврўз куйланади:

Қилиб ойини меҳр оғоз наврўз,
Келиб қиш фаслин этти ёз наврўз.
Жаҳон сартоқадам файзу сафода
Бўлуб жаннатга таънандоз наврўз.
Ҳама эл айш базмиға қилиб майл,
Тараб қонунин этти соз наврўз.
Ўзига ҳар киши борича имкон
Бериб юз зийнату пардоз наврўз,
Қилиб маъшуқлар оқиқларига
Гаҳи юз лутфу гаҳ минг ноз наврўз.
Олиб ушшоқ ҳам маъшуқидин ком,
Бўлуб ҳамсуҳбату ҳамроз наврўз.
Бори эл харж этиб нақдини бўлди
Тараб маҳбубиға дамсоз наврўз.
Нишот асбобиға харж айлар элга
Жаҳон ганжи ҳам ўлса оз наврўз.
Неча атноб қилсанг айш васфин,
Бўлур, эй Огаҳий, иъжоз наврўз. (222)

Ушбу анъанавий ғазалда ҳам мавзу, мазмун, муддао, радиф ўша-ўша. Бироқ тасвир бўлакча.

Навбатдаги анъанавий наврўзнома ғазал олдингиларидан-да мароқли ёзилган:

Бўл шоду ҳуррам, эй кўнгилким, мавсими наврўз эрур,
Шоҳи кавокиб адлининг айни жаҳонафрўз эрур.
Рўйи замин сартоқадам андоқ тароватлар топиб
Ким, рашк ўти тоби беҳишт аҳлиға тоқатсўз эрур.
Ошиқларин сайд этгали юз ишва айлаб шўхлар,
Кирпикларининг ҳар бири бир новаки дилдўз эрур.
Кулфат уқоби даҳрдин ғам чуғзи янглиғ рам қилиб,
Ишрат хумоси ўйлаким шаҳбози дастомуз эрур.
Гар ғам сипоҳи саф тузуб қилса саваш изҳорини,
Бу фасл аро тийғи қадаҳ чеккон киши Феруз эрур.
Ёраб, ҳамул шаҳ давлату умрини беандоза қил
Ким, бодайи эҳсонидин олам тарабандўз эрур.
Ғам кўҳна шоми, Огаҳий, тонг йўқ жаҳондин берсаким,
Султони одил асрининг ҳар бир куни наврўз эрур. (372)

Бунда анъанавий мавзунинг бадиий талқини бениҳоя гўзал. Ғазалда Наврўз билан орзуланган ҳукмдор мадҳи уйғун тасвирланади. Наврўз мавсумида одил шоҳнинг адолати оламни ёритувчи офтобдай васф этилади. Муболағали тасвирланишича, ер юзи шунчалик гўзалликка бурканадики, жаннат аҳли бу дунёвий гўзаллик рашкида ёниб, тоқатлари куйиб кетади. Юз ишва билан ошиқлари кўнглини овлашга шайланган маъшуқаларнинг ҳар бир киприги бир дилни ўлжа туширувчи ёй ўқига айланади. Кулфат қушлари ғам бургутларидек ҳуркиб қочадилар. Ишрат бахт қуши қўлга ўргатилган шаҳбоз – ов қушидек инсонни мамнун этади. Шоир талқинича, шундай шодиёна Наврўз кунларида бордию ғам лашкари саф тортиб уруш эълон қилганида ҳам, уларга қарши қадаҳ тиғини тортган киши ғолиб келади. Бу мазмун ифодаланган байтда «Феруз» икки маънода қўлланган. У, биринчидан, ғолиб маъносини, иккинчидан, шоҳ Феруз шахсини ифодалаб турибди. Шу сўздан ғазал мазмуни яна Феруз мадҳига уланиб кетади. Шоир хайр-эҳсони оламни роҳат-фароғатга тўлдиргани учун бундай шоҳнинг давлатини андоза даражада оширишни Тангридан тилайди. У адолатли шоҳ даврининг ҳар бир кунини Наврўздек қадрлайди. Бизнингча, бундай мисралар қуруқ адабий маддоҳлик эмас. Феруз чинакамига Огаҳий тавсифига сазовор хислатларга эга бўлган. Улуғвор мақомдаги Огаҳийда адабий маддоҳликка эҳтиёж ҳам йўқ эди.

Огаҳийнинг қуйидаги наврўзнома ғазали ҳам Ферузга бағишлаб ёзилган.

Илоҳи, ҳар куннинг наврўз бўлсун,
Ҳамиша толеъинг феруз бўлсин.
Бўлуб айёми наврўзинг муборак,
Замиринг инбис отандўз бўлсун.
Қилиб партавфиканлик айни адлинг,
Қўёшосо жаҳонафрўз бўлсун.
Санго дойим бўлуб давлат қуши ром,
Шикорандозу дастомуз бўлсун.
Аду ваҳшиларини сайд этарға
Ўқу тийғинг уқобу юз бўлсун.
Кишиким, истаса саркашлик этмак,
Бошн йўлингда онинг туз бўлсун.
Тараб меҳри ҳамиша пок кўнглунг
Сипеҳр авжида маркуз бўлсун.
Тарабгоҳинг аро хайёти гардун
Канизу золи хилъатдўз бўлсун.
Кўруб лутфингни, ҳар тун Огаҳийнинг
Насиби ишрати наврўз бўлсун. (372)

Ғазал шоирнинг навқирон шаҳзодага эзгу тилаклари билан йўғрилган. Бу тилаклар жуда самимий ва инсонпарвар. Гарчи бу ғазаллар романтик руҳда, анъанавий услубда ёзилган бўлса-да, улар ҳаётийлиги, ҳаётбахш ғоялари билан замонамиз учун қимматлидир. Умуман, наврўзнома асарлар Огаҳий шеърий куллиётининг кўркам бадиий намуналарини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Наврўз байрамига бағишлаб шеърлар ёзиш ўзбек мумтоз адабиётида гўзал анъанага айланган. Биз ушбу анъанани уч даврда яшаган уч буюк ижодкорнинг наврўзнома асарларидан намуналар келтириб таҳлил этдик, холос. Ҳолбуки, мазкур мавзу алоҳида йирик тадқиқотларга ҳам асос бўла олади. Зотан, наврўзнома асарлар яратиш анъанаси асрлар мобайнида изчил давом этган ва ҳатто, йирик адабий жанрларда ҳам сайқал топган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори.

Бунчалар ширинсан, сумалагим, сумалак...

Болалар саҳифаси

АСРА, БОЛАМ, ЎЗИНГНИ!

Халқимизда: «Фалокат оёқ остидадир, у жонинг қасдидадир» деган мақол бор. Бу дегани – биз катталар ўсиб қолаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол, ҳушёр, зийрак ва тийрак қилиб тарбиялашимиз, уларга ҳаётдаги инсон хавфсизлиги асослари алифбосини ўргатишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу эзгу мақсад йўлидаги мазкур эслатмалари нафақат болажонларимиз, балки ота-оналаримиз, муаллимлар, мураббийлар ва тарбиячи опаларимиз учун ҳам кундалик фаолиятларида доимий ҳамроҳ, ҳамкор ва мададкор бўлади, деган умиддамиз.

Уй ичидаги қулайлик хавф хатарга айланиши мумкинми?

Албатта. Бунинг учун ҳаётда мисоллар жуда кўп. Мана, кундалик фаолиятимизда ҳар куни бир неча бор дуч келадиган нарсалар, буюмлар билан танишайлик-чи.

ТАНИШУВ:

– Мен сувман, гоҳ ариқдан, гоҳ қувурдан оқаман, беҳуда оқсам тошаман, ташвишга ташвиш қўшаман.

– Мен зангори оловман – газман. Тутуним йўқ, ҳидим бор аммо! Ошиб-тошиб кетсам ҳаддимдан, мендан безор бу олам, дунё!

– Мен кир ювар машинаман – тозаликка ошнаман. Айланаман гурр-гур, ҳой болакай, қани, нари тур!

– Мен дазмолман, қизимасам бамисоли бир тошман. Қизисам борми, ловиллаган ўтман, оташман. Ҳаммаёқни сип-силлиқ, текислайман, ёндираман, куйдираман!

– Электрман, мен ҳар жойда керакдирман, тунларни кундуздек ёритаман, кимки мен билан ўйнашса, умрини минг ёшга қаритаман.

МАСЛАҲАТ:

Мана азиз болажоним! Ҳар куни уйда кўрадиган нарсалар билан яна бир маротаба танишиб олдик. Улар ҳам анча-мунча жаҳлдор, қайсар экан-а? Ҳа, эҳтиёт бўлмасанг, дўст бўла туриб, душманнинг ишини қилишлари мумкин. Биласанми, кўпинча ёнғинли фалокатлар асосан газдан, дазмолдан, электр иситгичу чой қайнатгичлардан чиқади. Баъзан бундай кўнгилсиз ҳолларга болалар ҳам сабабчи бўлиб қолишади. Ўзларича чой қайнатмоқчи, дазмол қилмоқчи, кир ювмоқчи, телевизор ёки радио қўймоқчи бўлишади-да. Яна электр ўчиргичларни чиқиллатиб ўйнашади. Электр уяларига сим, мих тиқишади! Буларнинг бари катта-кичик фалокатларга сабаб бўлади, албатта. Натижада уй-жойлар ёнади, одамлар ҳаётига ўлим чанг солади.

ТОПШИРИҚ:

Уйдаги бекордан бекорга ёниб турган электр чироқларни дарров ўчир. Гугурт ўйнама. Қўл-юзингни ювганингда жўмракни охиригача бура. Кир ювгич машина ишлаётганида ичига қўлингни тиқма, ўраб кетади! Агар электр чойнак, дазмол қўйилиб, катталарнинг ёдидан кўтарилган бўлса, дарров уларни бундан хабардор қил, огоҳлантир. Мабодо, уйда ҳеч ким бўлмаса, ҳовлиқмай чап қўлинг билан розеткани устидан босиб, ўнг қўлинг билан вилкани чиқариб ташла. Худо кўрсатмасин, мабодо ёнғин чиқса ичкари хоналарга, каровотнинг тагига беркинма, балки тезроқ ташқарига чиқ. «Ўт тушди! Уйимиз ёнмоқда!» дея бақириб, қўни-қўшниларни ёрдамга чақир. Яқинроқдаги телефон дастагини кўтариб «01» рақамига қўнғироқ қил.

Ёнғин чиқса бир ердан,
Ё ўчоқдан, тандирдан,
Ўрин бермай қўрқувга
Югур челак, қум, сувга!
Ўчир газ, электрни,
Дарров териб нол бирни,
Оловкорларни чақир,
Ҳалоскорларни чақир!

●

Газ ҳидини сезганда,
Дарҳол тўғри фикр қил!
«Сиз» деб таплаш газ билан,
«Сен» десанг ўзингдан кўр!
Йўқдир газнинг тутуни,
Сезгач унинг ҳидини,
Дераза, эшикни оч,
Ўзинг бир чеккага қоч!
Сўнг шошма, ўйлаб иш тут,
Ёқма чироқ, ё гугурт!
Телефонга тез югур,
Қил қўнғироқ: нолу тўрт!

●

Уйдан чиқар чоғингда,
Доим шунга назар сол:
Ўчирилганми чироқ,
Телевизор, газ, дазмол?!

Бўлсанг агар бепарво,
Албат олов, ўт чиқар!
Дераза ва эшикдан
Қора тутун, дуд чиқар!
Билки, улар заҳардир,
Бўғар нафас йўлингни!
Кўз, бурнингни ачитиб,
Боғлар оёқ-қўлингни!

●

Чангютар ва кирювгич,
Совутгич – инсон дўсти.
Ёрдами-ла уларнинг
Мушкул иш битар, рости.
Ишлаганда, лек улар
«Чўмиб» нақ қора терга,
Қўлинг ёки бурнингни
Суқма болам у ерга!
Сени чангдек домига
Мумкин тортиб кетиши!
Мудом эҳтиётсизликдан
Танангга лат етиши!

●

Электр асбобларни
Билиб-билмай тузатма!
Бўлса сими яланғоч,
Қўлингни торт, узатма!

Қўлинг гугурт чўп эмас,
Тиқма токнинг инига!
Қолма ногоҳ ток урган
Одамларнинг кунига!
Билки, электр токи
Кексами, ёш қарамас!
Бир зумдаёқ танангга
Берар ўлим аямас!

●

Юзу қўлинг ювмоқ-чун
Жўмракка қўл узатдинг.
Шошма, иссиқ-совуғи
Қайси экан, ажратгин!
Иссиқ сувда этингни,
Пуффакдайин шиширма!
«Санамасдан саккиз» деб,
Тағин «қовун» туширма!
Қизил рангли жўмракни
Очсанг келар иссиқ сув.
Ҳаво рангин бурасанг,
Жонга ҳузур совуқ сув.

ИСКАНДАР РАҲМОН,
Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси.

ТУМОР АЙЛАЙ ЯПРОҒИНГНИ

Ватан недур – кўнглим менинг,
Момом менинг, мунглим менинг,
Мушфиқ онам, синглим менинг,
Дил қатида нурсан, Ватан,
Қуёш каби ҳурсан, Ватан.

Дилимдаги торим бўлдинг,
Қалбга дорим, орим бўлдинг,
Инжу ганжим – борим бўлдинг,
Ғанимларга берксан, Ватан,
Менинг учун эрксан, Ватан.

Осмонларинг ойдин-ойдин,
Зилол сувинг аъло майдин,
Бундай юртни топай қайдин,
Томирдаги қонсан, Ватан,
Вужуддаги жонсан, Ватан.

Булоқлардек меҳринг бордир,
Оппоқ тонгдек сеҳринг бордир,
Дилда ўчмас муҳринг бордир,
Менинг учун улуғ Ватан,
Бағри нурга тўлуғ Ватан.

Тумор айлаб япроғингни,
Кўзга сурай типроғингни,
Асло кўрмай фироғингни,
Мен туғилган ерсан, Ватан,
Гулшодага шеърсан, Ватан!

Гулшода ҚУРБОНОВА,
Қибрай тумани.

К ВЕЛИКОЙ ЦЕЛИ НА ПУТИ

Все с нуля буквально начиналось,
И сегодня помнится о том,
Как с развала жизнь возрождалась
Президента нашего трудом!..
У истока – с самого начала,
Он тогда свою наметил цель,
Ту, о ней история не знала, –
Принята «узбекская модель».
Сколько отдал он усилий воли,
Жизнь тому всецело посвятил,
Чтоб страна жила в счастливой доле,
Чтоб народ страны в достатке жил...
Только независимыми стали,
Как же мы продвинулись вперед!
И воочию миру доказали,
Что свободный сделает народ!
Курс его народ наш одобряет,
И в делах, и в помыслах – мы с ним,
Кто терпеты снова замышляет,
Им отпор решительный дадим!
Многого достигли мы, и значит,
Нам нельзя на лаврах почивать;
Президент и мы об этом знаем:
«Обретенье надо защищать!»
И с его заботой неустанной
Нынче наша армия сильна,
А в своей защите постоянной
Может быть уверена страна.
В твердой нашей поступи по праву
Мы к великой цели на пути –
Быть стране могучею державой
И всегда – во век времен – цвести!

Николай БУРТЫШЕВ.

НАВРЎЗ

Ўриклар гуллади, бодом гуллади,
Водийда мен билган чаман гуллади,
Табиат заминни нур-ла сийлади,
Омонлик олиб кел, юртимга Наврўз.

Боланг деҳқон бўлса ризқ-рўзинг улуғ,
Тўйга деб шудгорга санчади уруғ,
Элим бугун сенинг байраминг қутлуғ,
Омонлик олиб кел, юртимга Наврўз.

Ҳофиз қўшиқ айтар, шоирда ашъор
Соғиниб турналар элимга қайтар.
Латиф ялпиз ҳиди келар муаттар,
Омонлик олиб кел, юртимга Наврўз!

Раҳимахон ИБРАГИМОВА,
Фарғона вилояти Тўлқин қишлоғи.

ЎҒЛИМГА

Оқ дераза орқасида тўлғониб,
Термулардим, минг хаёлда чўлғониб;
Ўғил берса, гар Эгам орзум қониб,
Элимга мард посбон бўлса ўғлоним.

Суюнчига чопдилар тўп янгалар,
Тугунларин очдилар хўп янгалар,
Моможонинг сочди қанду тангалар,
Эл корига қўрғон бўлгин ўғлоним.

Фарҳод қўйдим исминг, ботир бўлсин деб,
Юрт ишига марду қодир бўлсин деб,
Ният қилдим ҳақгўй, одил бўлсин деб,
Ҳар дам ҳақ йўл томон бўлгин ўғлоним.

Бобожонинг қадамингга сўйди қўй,
Элу юртга улоқ бериб қилдик тўй.
Юрагимда битта орзу, битта ўй –
Элимга мард ўғлон бўлгин, ўғлоним.

Неки керак, барин этдим муҳайё,
Бағринг буту шодон, улғайдинг доно,
Истасанг таянчман ҳар лаҳза, илло,
Ҳаётда чин инсон бўлгин ўғлоним.

Сен туғилган замину тоғ шу Ватан,
Момонг хоки тушган тупроқ шу Ватан,
Сендан кутар меҳру ардоқ шу Ватан,
Юрт-ла бир тан, бир жон бўлгин ўғлоним.

Тилагим бир – элга содиқ фарзанд бўл,
Унинг ҳар кез, ҳар онига мадад бўл.
Бу довонда сенга тилайман оқ йўл,
Ҳур элингга қалқон бўлгин ўғлоним.

Маҳмаяқуб ТОҒАЕВ,
14-ҳарбий автомобиль таъмирлаш заводи ишчиси.

ЧИН ЎҒЛОНЛАР ҚАЛБИДА

Бу муқаддас, бу муаззам Туркистон,
Хазинаси бамисоли бир уммон,
Отамиздан бизга мерос, бизга шон,
Чин ўғлонлар қалбидадир, қалбида.

Ҳар ўрмону ҳар дашту чўл, ҳар довон,
Ҳар кўчаю ҳар гузар, ҳар хонадон,
Бир-бирига уйқаш нафас ҳар бир жон,
Чин ўғлонлар қалбидадир, қалбида.

Феълидадир баҳорий фасл,
Феълидадир дарёи фазл.
Сочмас кимнинг бағрига нур
Бундайин мард, мардуми асл!

Ер куррасин гуҳари, денг, бу тупроқ,
Ҳар чимдими оламга тенг бу тупроқ,
Ҳикояси фазодек кенг бу тупроқ
Чин ўғлонлар қалбидадир, қалбида.

Дукур-дукур от келади, саман от,
Ҳар ўйинда бой беради бизга ёт.
Шарқу Ғарбга достон бу юрт, эли шод,
Чин ўғлонлар қалбидадир, қалбида.

Феълидадир баҳорий фасл,
Феълидадир дарёи фазл.
Сочмас кимнинг бағрига нур
Бундайин мард, мардуми асл!

АСКАР МАРШИ

Елкадошимиз эл бирла ҳар он,
Зарбамиздир ёвга беомон.
Кимки думдир ёвга мазмунан,
Ёнгувсидир, қаҳримиз вулқон.
Қутадир ким хориждан мадад,
Удир элнинг кўксидаги дард.

Ёғилса гар бошимизга қор,
Курагимиз – номус ила ор.
Карвондаги нордир ҳар йигит,
Нор йигитлар омадгадир ёр.
Қутадир ким хориждан мадад,
Удир элнинг кўксидаги дард.

Ўзингники ўзингга ярар,
Ўзингники мисли самандар.
Хориж ишин қобиғидир бол,
Пиҳонадир мағзида заҳар.
Қутадир ким хориждан мадад,
Удир элнинг кўксидаги дард.

Кимлар марддир, кимлардир танти,
Элимизнинг эрур дилбанди.
Эман мисол, арғувон мисол
Букилмагай дилбандлар қадди,
Қутадир ким хориждан мадад,
Удир элнинг кўксидаги дард.

Ямин ҚУРБОН.

САМАРҚАНДЛИК ҚИЗГА

Самарқандлик гўзал қиз,
Олди буткул хаёлим.
Чиройлидир у тенгсиз,
Қани бўлса чин ёрим.

Ўйлайман кеча-кундуз,
Оромим йўқ тунлари.
Мен учун у бир юлдуз,
Талпинаман у сари.

Жайрон мисол кўзлари,
Болдан ширин сўзлари.
Самарқандлик гўзални,
Ширмондай оқ юзлари.

Айтолмай лек севгимни,
Ишқ дардида ёнаман.
Билмаса ҳам, мен уни,
Ҳаммадан қизғонаман.

Бир кун келиб барибир,
Унга айтгум зоримни.
Ажабмас шунда тақдир,
Насиб этса ёримни.

Оддий аскар Дилшод ИСОҚОВ.

ҲАРБИЙ ЛИБОС ПАҲЛАВОНЛАРИ

Сиз Ватаннинг ғурур, орисиз,
Она юртнинг ифтихорисиз.
Ҳар лаҳзада, таянч, корисиз,
Ҳарбий либос паҳлавонлари,
Мустақил эл таянч-тоғлари.

Мадҳингизга қиёс йўқ асло,
Сизлар борки осмон мусаффо.
Сиз туфайли тинч эрур дунё,
Ҳарбий либос паҳлавонлари,
Она Ватан таянч-тоғлари.

Сиз бедорки, заминимиз тинч,
Юракларни чулғамас ўкинч,
Нигоҳларда порлайди севинч,
Ҳарбий либос паҳлавонлари,
Азиз элнинг таянч-тоғлари.

Оддий аскар Чори САРИЕВ.

ИНТИЛИБ ЯША

Бир бора ҳаётда кулмаса омад,
Ўзингни бахтсиздек санама асло.
Инсонда умид бор, ҳам сабру тоқат,
Бу эзгу амалда кўп эрур мазмун.

Неча бор қоқилган қадамлар кўпдир,
Бироқ полициядан сўзлари холи.
Улар ишончи ила фақат интидир,
Шундан юксалади умр камоли.

Ҳаёт бу – синоат, ҳаёт бу – кураш,
Унда роҳат билан азоб ёнма-ён.
Унга бор имконинг гар этолсанг бахш,
Омад қаршингга бўлурсан сарбон.

Олмалиқ шаҳри IX синф ўқувчиси Азизбек МАТЁҚУБОВ.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИГА

Посбон акам бор бўлинг,
Ҳар доим омон бўлинг.
Халқимизнинг бахтига,
Элу юртга ёр бўлинг.

Сиз тинчликнинг таянчи,
Ҳонадонлар қувончи.
Ҳурлигимиз асровчи,
Элимизнинг ишончи.

Посбон акам бор бўлинг,
Марду баркамол бўлинг.
Озод Ватан бағрида
Тинчликка сардор бўлинг.

Барно ХУШНАЗАРОВА, ўқувчи.

ОНАЖОН

Тупроқ шўр бўлганда кўз ёшларимдан,
Душман қон қусганда бардошларимдан.
Тақдир айирганда йўлдошларимдан,
Мен сизни соғиндим онажонгинам.

Мен учун очилмай қўйганда гуллар,
Ҳиёнатга ошно бўлганда диллар.
Йиғлаб ўксиганда ошиқ кўнгиллар,
Мен сизни соғиндим онажонгинам.

Қисмат қайта-қайта қилганида хор,
Бир сиқим меҳрга бўлганимда зор.
Алдамчи дунёдан бўлганда безор,
Мен сизни соғиндим онажонгинам.

Ёдимга тушганда илк муҳаббатим,
Орзулар ушалиб кулганда бахтим.
Шодликдан оламга сиғмаган вақтим,
Сизни соғинаман, сизни онажон.

Умр тўхтамасдан ўтиб кетаркан,
Кимдир унга етмас, кимдир етаркан.
Ҳаёт доим шундай давом этаркан,
Сизни соғинтириб, сизни онажон.

Ўтди қанча йиллар бешафқат, беиз,
Шодлиги татимай сизсиз, сизнингсиз.
Бугун юрагимда йиғлайди бир сўз,
Мен сизни соғиндим онажонгинам.

МЕН ЙИҒЛАГАН КЕЧА

Душманларим ўтди илжайиб,
Дўстлар эса қолдилар қойиб.
Жисму жоним чўкди мунғайиб,
Сиз ўзгани сизлаган кеча,
Мен сиз учун йиғлаган кеча.

Юлдузлар ҳам боқдилар ҳайрон,
Кўнгил қасри бўлдику вайрон,
Оғриганда оғриди бу жон,
Сиз ўзгани сизлаган кеча,
Мен тун бўйи йиғлаган кеча.

Булутларга бўйим етмади,
Қаттиқ экан ер ҳам ютмади.
Фақат алам дилдан кетмади,
Сиз ўзгани сизлаган кеча,
Мен тонггача йиғлаган кеча.

Орзуларим бўлдилар хазон,
Юрагимга ин қурди армон.
Оҳ бунчалар пастлади осмон,
Сиз ўзгани сизлаган кеча,
Мен тун бўйи йиғлаган кеча.

●

Нигоҳларим ортингдан йиғлаб қолди,
Юраккинам ҳажрингда бўзлаб қолди,
Хаёллари сийратингга излаб қолди,
Сиз барибир кетдингиза, кетдингиза.

Сочларимга сочпопуклар боғлолмадим,
Минг уринсам ишқ йўлидан қайтолмадим,
Хатто сизни севишимни айтолмадим,
Сиз-чи жоним кетдингиза, кетдингиза?

Сизни ҳатто юлдузлардан қизғонардим,
Кундузлардан, шўх қизлардан қизғонардим,
Ошиқларга бўй эгмади қайсар қалбим,
Сиз барибир кетдингиза, кетдингиза.

Қолаверди илинж билан чўзган қўлим,
Ёт нигоҳлар пойлаб қолди юрган йўлим,
Қонлар қусди соғинганда сизни дилим,
Сиз-чи жоним мени таплаб кетдингиза?

Юлдузхон ҲАКИМОВА.

МУҲАББАТ ОТАШИ

Сўзсиз учрашдилар соғинган кўзлар,
Кўнгилларда кечди пиҳон илиқлик.
Оташ нигоҳларга бардош беролмай,
Гулгун сиқларга кўчди қизиллик.

Меҳр-муҳаббатга ташнадир юрак,
Ҳислар сарҳадига урилди тўфон.
Сенсиз бу дунёлар не учун керак?
Сен-ла ҳаёт ширин, бахтли, фаровон.

Қуролли Кучлар хизматчиси Ирода БОБОМУРОДОВА.

3 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Голливуд илонлари».
9.25 «Камалак» экрани.
10.15 Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан. «Соҳибқирон». Видеофильм 1-қисм.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг».
11.40 А. Орипов. «Соҳибқирон». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.50 ТВ-анонс.
12.55 «Соҳибқирон». Спектакль. 2-қисм.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 Олтин мерос.
14.30 «Портретга чизгилар».
